

педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Тил ва адабиёт таълими кафедраси ЧЕТ ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ (ИХТИСОС) МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН маъруза матнлари

**Шарҳ:** Ушбу маъруза матнлари умумтаълим ўрта мактабларининг инглиз, немис, француз тиллари фани ўқитувчилари учун мўлжалланган. Бу маъруза матнларидан мактабларда фаолият кўрсатаётган чет тили фани ўқитувчилари ва курс тингловчилари фойдаланишлари мумкин. Тузувчи: Ю.Эргашева – НВПҚТМОИ «Тил ва адабиёти таълими» кафедраси катта ўқитувчиси. Тақризчи: С.Сайдалиев – НамДУ доценти. Маъруза матнлари НВПҚТМОИ тил ва адабиёт таълими кафедраси 2006 йил йиғилишида кўриб чиқилган ва илмий кенгашга тавсия этилган. НВПҚТМОИ илмий кенгашининг 2006 йил йиғилишида нашрга тавсия этилган.

### ***Мавзу: Чет тили таълимида давлат таълим стандартлари***

**Мақсад:** Ўқувчи-ёшларга умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини хорижий тиллар бўйича талаблари ҳақида маълумот бериш. ДТС талабларини таълим жараёнида жорий этиш орқали ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш.

**Кутилаётган натижа:** Мактабда таълим-тарбия жараёнини ДТС талаблари асосида ташкил этилишини таъминлаш. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ДТС талаблари даражасида бўлишига эришиш.

**Кўргазма:** ДТС ўкув адабиёти. Мавзуга оид стендлар.

#### **РЕЖА:**

1. ДТСнинг умумий тавсифи
2. Чет тиллари бўйича ДТС ва уларда ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар.
3. Чет тиллар дарсларида ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйилган мажбурий минимал даражани белгилаб беради. ДТС таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат худудида фаолият кўрсатаётган турли муассасалар (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилиди. ДТС ўз моҳиятига кўра ўкув дастурлари, дарслеклар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Умумий ўрта таълимнинг ДТС ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, худуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосий ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилиятлари ва қизиқишлиари устиворлигидан келиб чиқади.

ДТС бажариш Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва иродавий бўйисинишидан катъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта таълим ДТС ишлаб чиқиша қуйидаги меъёрий хужжатлар асос қилиб олинди:

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш билан фармонлар, фармойишлар ва асарлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун ЛТС ишлаб чиқип ва жорий этиш тўғрисила» 1998 йил 5-январлаги 5-сон ҳамла

«Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорлари;

ЎзРСТ 1.0-92, Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлаштириш тизими;

ЎзРСТ 1.1-92, Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлаштириш тизими. Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиш, келиши, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

ГОСТ 1.5-93. Давлатларо стандартлаш ишларини олиб бориш қоидалари. Стандартларини тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмунига бўлган талаблар;

ЎзРСТ 1.9-95. Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлаштириш тизими. Тармоқлар стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти қуидаги принципларга таянган ҳолда ишлаб чиқилди.

- давлат таълим стандартнинг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;
- ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;
- умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг Республикадаги барча худудларда бирлиги ва яхлитлиги;
- умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини танлашда инновация технологияларига таяниш;
- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунларида ифодаланган талабларнинг узвийлиги;
- илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларидан миллий хусусиятларнинг ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

Умумий ўрта таълим 2 босқичдан иборат бўлиб, бошланғич (1-4 синфлар) ва умумий ўрта таълим (1-9 синфлар)ни қамраб олади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти бишланғич ҳамда умумий ўрта таълим нихоясида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, қўникма ва малакаларининг минимал даражасини белгилаб беради.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, қўникма ва малакалар таълим предметлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларида ўз аксини топган.

Ўқувчи чет тилларидан бирини ўрганиш жараёнида қуидаги билим, қўникма ва малакаларини эгаллаши шарт:

- чет тилидаги матнларни (19 дақиқада 350 та сўз) ифодали ўқий олиш;
- содда мазмундаги матнларни тушуниш;
- матнларда ифодаланган турли даражадаги ахборотларни тушуниш;
- 100-120 сўздан иборат бўлган ўртача мураккабдаги маттни чет тилидан она тилига ва она тилидан хорижий тилга таржима қила олиш;
- ўқиши китобига таянган ҳолда оғзаки нутқ қўнималарига эга бўлиш;
- конимикатив мақсадларга йўналтирилган оғзаки мулоқот қўнималарига эга бўлиш;
- диологик ва монологик қўникмаларига эга бўлиш;
- сухбатдошнинг нутқини тушуна олиш;
- матндан диалог қўчира олиш;
- ўқилган ёки эшитилган матнга таянган ҳолда режа тузиш ёки тезис ёза олиш;
- табрикнома ва мактуб ёза олиш.

Ўзбекистон Республикасида ҳаётнинг барча соҳалари-фан, маданият, ишлаб чиқариш бўйича халқаро алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайиши мутахассислик хорижий тилни билиши заруриятини келтириб чиқарадики, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳам шуни талаб этади. Бу умумтаълим ўқув предмети

сифатида хорижий тил мақомини оширади. Бу жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, илмий техникавий ва умуммаданият тараққиётининг амалий омили, тил тайёргарлиги эса узликсиз таълимнинг уни халқчиллаштиришнинг муҳим қисми бўлиб қолади.

Мазкур ўкув предметнинг асосий мақсади ўқувчиларни хорижий тилни турли шакллари орқали муомала воситаси сифатида эгаллаши.

Давлат стандарти хорижий тилларни ўқитиш бўйича асосий меъёрий даража ҳисобланиб уни эгаллаш мактаб турлари ва ўкув курслари ҳусусиятидан қатъий назар мажбурийлик ва унинг низомлари ўқувчиларни хорижий тилларни эгаллаши минимал даражасига минимал балл, минимал баҳо бериши лозим. У узлуксиз таълим тизимини амалга оширишидан, ўқувчиларнинг мактабни битирганларидан кейинги фаолиятида хорижий тилларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни бевосита қўллаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Мазкур мақсад нутқ фаолиятининг турли кўринишлари, хорижий тилда сўзлашувнинг турли усусларини назарда тутади. Сўзлашувнинг диалог ва монолог шакллари, ўқиш, нутқни эшитиш орқали англаш, ёзиш (эшитиб тушуниш).

Тилнинг амалий асосини эгаллаш ўрта мактабда етарли даражада мустаҳкам ва барқарор бўлиши лозимки, бу академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида яна мукаммал ўрганиш мувоффақитини таъминлади.

Амалий мақсад тарбиявий, таълимий ва мақсадларни ривожлантириш мазмун орқали амалга оширилади. Таълимнинг тарбиявий аҳамияти қўйидагиларда акс этади: ўқувчилар шахсини шакллантириш, ҳамжиҳатлик, дўстлик ва халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш туйғуларини ривожлантириш, дунёга қиёсий – хиссий муносабатда бўлиш, ўз маданияти, тили ўрганиётган халклар маданиятига ижобий муносабатда бўлиш, хорижий тилга ўрганиш муҳимлиги ва унинг алоқа воситаси сифатида фойдаланиш эҳтиёжини тушуниш.

Ўқитишнинг таълимий мақсади қўйидагилардан иборат: ўқувчиларнинг фиологик ва умумий дунёқарашини, мантикий фикрлашни ривожлантириш, тили ўрганаётган мамлакатнинг ўрф одатлари, анъаналари билан таништириш, миллий ўзлиги ва миллий маданиятлар эришган ютуқларини чуқур англаш; умуминсоний маданият ривожини англаб этиш.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолияти билан белгиланадиган таълимнинг ривожланиш мақсади қўйидагиларда акс этади: алоқанинг янги ҳолатларида тил бўйича эгаллаган билим, кўнишка ва малакаларни таҳлил қилиш, бир тизимга солиш, таққослаш, умумлаштириш ва ижодкорона қўллашни ривожлантириш, ўқувчиларнинг тил бўйича ҳозиржавоблиги, мустаҳкамлигини шакллантириш, хорижий тиллар соҳасида кейин ҳам мустақил равишда ўз билимини оширишга ундаш.

Хорижий тилларга ўрганиш вазифалари қўйидагилардан иборат:

Хорижий тилни эгаллаш кўнишкаларини шакллантириш ва жамоатчилик фаолияти учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш, ижтимоий-маъищий, ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий, расмий ишбilarмон доираларда мулоқотга ўргатиш, тил қобилиятини шакллантиришни таъминлаш, тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини яқиндан таништириш.

«Хорижий тиллар» учун ўкув режаси 510 соат ажратилган бўлиб, V-IX синфлар бўйича қўйидаги тақсимланган.

Синфлар	V	VI	VII	VIII	IX	Жами
Хафталиқ ўқув соатлар микдори	3	3	3	3	3	
Йиллик ўқув соатлари микдори	102	102	102	102	102	510

Хорижий тилларни ўқитиш асосий компонентлари қўйидагилар: ўқитиш материали (тил, нутқ), турли нутқий фаолият турларида билим, кўнишка, малака, фанмазмуни (мавзу, мулоқот, матнлар, ҳолатлар), этник-маданий материал (лингвомамлакатшунослик, мамлакатшунослик).

Минимум лугат тарзида расмийлаштирилган, оғзаки нутқдан фойдаланишнинг лексикграмматик минимум – 700 дан 800 лексик бирлик (ЛБ)(лексика мулоқот мавзулари бўйича гурухланади); ўқиши, таниши ва тушуниш учун рецептив лексик-грамматик минимум камида 1800 – 2000 ЛБ.

Тил бўйича билим, кўникума ва малаканинг шаклланиши:

- талаффуз, оҳангграфика;
- нутқнинг лексик томони: продуктив ўзлаштириш учун 800 ЛБ, шу жумладан, оғзаки нутқни ривожлантириш учун зарур бўлган сонлар, олмошлар, педагоглар, боғловчилар; ўқувчиларнинг потенциал луғатини кенгайтириш учун мурожаат сўз воситалари билими;
- нутқнинг грамматик томони;
- ҳам продуктив, ҳам рецептив ўзлаштириш учун грамматик материал; синтактик (садда ва қўшма гаплар); морфология – сўз туркумлари; артикль, сифат (даражалари), равиш, феъл (феъл тушунчиаси- боғланиш, тузулиш ва оддий ҳам мураккаб замон формалари, феълнинг атоқли формалари).

I- Ҳар бири учун зарур бўлган таълим соҳаси асосларини мақсадли, тизимли бўлиши учун мазмунининг минимал ҳажми. Мазкур даража билимни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди.

II- даража бу кўпчилик ўқувчилар учун асосий оптималь билимлар ҳажми ҳисобланиб, минимал даражада ўрганилаётган маълумотлар тўғрисида анчи тўлиқ, чуқур тасаввурга эга бўлишни таъминлайди, янги маълумот билан кенгайтиради. Бироқ, умумтаълим доирасидаги билимлардан ташқарига чиқмайди.

III-максимал юқори даража.

Асосий дастур билимларидан қўшимча маълумотларни жалб этган ҳолда ижодкорона фойдаланишдан иборат бу даража хорижий тилни эгаллашдан манфаатдор, уни чуқур ва муваффақиятли ўрганувчан ўқувчиларга қаратилган, мазкур даража ўқувчиларни академик лицейлар ва касб-хунар коллажларида хорижий тилларни ўрганишга тайёрлайди.

Нутқ фаолиятининг турларини эгаллаш даражасини ўлчаш усуллари:

IX-синф битирган ўқувчилар кўйидагини англашлари ва билишлари зарур:

- ўқишифодали ўқиши малакасини эгаллаш, ўқиши топшириқлари асосий ҳабарни ажратиб олишдан (танишиб ўқиши) қатъий назар матн мазмунини чуқур тушуниш ва ўзлаштириш, улардаги ахборотни аниқ қилиб бориш;
- бутун ахборотни ажратиб олиш (ўрганиб ўқиши);
- керакли ва қизиқтирувчи ахборотни ажратиб олиш (танлаб ўқиши). Асосий мазмунни тушуниб ўқиши (танишиб ўқиши)ни асосий меъёрий ва мажбурий деб қараш мақсадга мувофиқ.

Назорат бирликлари – боғланган матнлар; назорат учун материал – мураккаб бўлмаган бадиий, илмий-оммабоп, публицистик (газета ва журнал мақолалари) матнлар ва бошқалар. Ўрганиш кўрсаткичлари – ўқиши техникаси ва тезлиги (300 сўз 10 минут), орфографик ва оҳанг тўғрилиги, ифодалилик, матн ҳажми, ўқишига сарф бўлган вақт; 5 % нотаниш сўзни ўз ичига олган фактли ахборотнинг камида 80-90 % ни тушуниш (ўрганиб ўқиши) тахмин, икки тилли лугат сўз ясалиши орқали очилади; ҳажми 1,5 – 2 бет, 70 % гача ўрганилмаган сўздан иборат матннинг асосий мазмуни (фояси)ни тушуниш. Шунингдек ўқувчилар ўрганилаётган тилда болалар учун мўлжалланган газеталар, ўсмирлар журнallарини кўра олишлари ва уларни қизиқтирувчи мақолани ажратса олишлари лозим.

Сўзлашув (оғзаки нутқ)-оғзаки нутқ мулоқати кўникумасини икки йўналишда эгаллаш:

- ўқиши базасида(китоб орқали воситали алоқа);
- мулоқотнинг типик ҳолатларида оддий коммуникатив вазифаларни ечиш жараённада.

Кутиладиган нутқий маҳсулот ҳар хил турдаги диалогик, монологик ва полилогик нутқдан иборат: сўров, фаолиятга ундов, фикрлар алмашуви, фикрлаш, мубоҳаса.

Диалог турлари: этикет характердаги диалог, сўров-диалог (интервью), ундовчи диалог, диалог – фикрлар алмашуви, диалог – сухбат.

Текшириш учун материал – нутқ предметини акс эттирувчи нутқ ҳолатлари йигиндиси; ўрганиш кўрсаткичлари – сұхбатдошни тушуниш (камида 80 %) даражаси, ҳар бир сұхбатдош луқмаси миқдори, луқма-саволга жавоб бериш ва диалогни давом эттиришга ундаш киради.

Монологик фикр билдириш - қисқа тасвир, билдирув, репортаж, тавсиф, ҳикоя, шарх ва бошқалар; тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларни ишлатиш. Назорат учун материал муроқат мұхитини, мавзуни акс эттирувчи ҳолатлар жамланмаси.

Ўрганиш кўрсаткичлари: фикр билдиришнинг коммуникатив вазифага мұносиблиги, тил моделлари бўйича кўрилган нутқий иборалар миқдори, камида 10-12 иборани айтиш.

Аудирлаш – эшитиш кўнижмаси ва сұхбатдошнинг нутқини тушуниш, ёзувдаги аутентик матн (тўла ва аниқ тушуниш, асосий мазмунни тушуниш); кам миқдордаги нотаниш сўзлардан иборат, бу сўзлар маъносини контексттдан ёки она тилидаги ўхшашликдан аниқлаш мумкин бўлган матнни тушуниш.

Ёзма нутқ - матнлардан кўчирма олиш; ўқилган ёки эшитилган матндан гапириб бериш учун режа ёки тезис тузиш; табрикнома ёзиш, тили ўрганилаётган мамлакатнинг нутқий этикет формулалардан фойдаланиб қабул қилинган истакларини билдириш; дўстлик мактубини ёзиш; таклиф қилинган мавзуда иншо ёзиш, долзарб иш қофози – ариза, тушуниш хати, анкета, автобиография, телеграмма, бланка тўлдириш; халқаро конверт, бандерол, посылкага манзил ёзиш, берилган мавзу бўйича нутқ ёзиш ва уни расмийлаштириш; ўртacha мураккабликдаги 100-120 сўздан иборат ҳажмдаги матнни она тилидан хорижий тилга ёки хорижий тилдан она тилига таржима қилиш. Нутқий фаолият турларини бундай мұносабати ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш имкониятни беради.

Назоратни бетараф эксперт комиссияси амалга оширади. Иш мактаб дарси шароитида ўтказайлади, барча ўқувчилар бирваракайига ишлашади, бажариш шакли эса алоҳида. Анъанавий усуллар билан барча ноанъанавий усуллар ҳам (тест) қўлланилади, ўқувчи албатта эришиш мумкин бўлган ва нимага эриша олишини аниқлаш учун рейтинг (даражали) усули ҳам фойдаланилади.

Бу турли даражаларни белгилаш мезони бўлиб коммуникатив малака мураккаблигига хизмат қиласи, у ўз навбатида коммуникатив вазифа мураккаблиги даражасига асосланган. Режаланган иш доирасидаги ўргатишнинг турли даражалари ва улар ташхиси ўқитувчи учун ҳам мұхим. Ўқувчи учун – ўқув мотивациясини саклаб туриш, ўқитишни давом эттириш кейинги йўлни танлаш учун асос воситаси. Ўқитувчи учун – бу иқтидорли ўқувчини ўз вақтида илғаш, уни қўллаб-куватлаш, шунингдек қийин ўзлаштираётган ўқувчиларни кўздан қочирмай ўз вақтида чора кўриш.

### **Саволлар:**

1. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ни ишлаб чиқиш принциплар нималардан иборат?
2. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган мажбурий минимал талаблар нималардан иборат?
3. Нутқ фаолиятининг турларини эгаллаш даражасини ўлчаш усуллари ҳақида гапиринг.

### **Тест саволлари:**

1. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ни ишлаб чиқиш тамойиллари нималардан иборат?
  - а) ДТСнинг давлат ва жамият талабларига шахс эҳтиёжига мослиги;
  - б) ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иктисодий тараққиёти ҳамда фан техника ривожланиши билан боғлиқлиги;
  - в) умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмун узвийлиги;
  - г) Ҳамма жавоблар тўғри.

2. "Узлуксиз таълим тизими учун ДТСни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирларнинг Маҳкамасининг қарори ва санаси қайси жавобда тўғри қайд этилган?
- а) 1998 йил 13 май 203-сонли қарор.
  - б) 1998 йил 5 январь 5-сонли қарор.
  - в) 2000 йил 21 сентябрь 360-сонли қарор.
  - г) 1989 йил 21 октябрь.

3. Хорижий тилларни ўрганиш вазифалари нималардан иборат?

- а) Хорижий тилни эгаллаш кўнималарини шакллантириш жамоатчилик фаолияти учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш, ижтимоий-маиший, ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий, расмий ишбилармон доираларда мулоқотга ўргатиш, тил қобилиятини шакллантиришни таъминлаш, тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини яқиндан таништириш;
- б) Мамлакатлараро алоқаларни йўлга қўйиш;
- в) Ўрганилаётган тил фонетика, грамматика ва лексикани ўрганишдан иборат;
- г) Ҳамма жавоб тўғри.

4. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган мажбурий минимал талаблар нималардан иборат?

- а) Чет тилидаги матнларни (19 дақиқада 350та сўз) ифодали ўқий олиш, 100-120 сўздан иборат бўлган ўртacha мураккабликдаги матнни чет тилидан она тилига таржима қила олиш;
- б) Ҳар бир синфлар бўйича алоҳида билимга эга бўлиш;
- в) Ўрта мактаб учун етарли даражада билимга эга бўлиш;
- г) Ўқувчилариниг ижодий фаолияти билан белгиланадиган таълимнинг ривожланиш мақсади тўғри қўйилганлиги.

5. Нутқ фаолиятининг турларини эгаллаш даражасини ўлчаш усуслари ҳақидаги фикрларни тўғри белгиланг.

- а) Назорат бирликлари - боғланган матнлар, мураккаб бўлмаган бадиий, илмий-оммабоп матнлар;
- б) Ўқиши, ифодали ўқиши малакасини эгаллаш, ўқиши асосий хабарни ажратиб олишдан қатъий назорат матн мазмунини чуқур тушуниш ва ўзлаштириш;
- в) Ўқувчилар нутқини рейтинг асосида баҳолаш;
- г) Кутилаётган нутқий фаолият ҳар хил турдаги диалогик-монологик ва полилогик нутқдан иборат.

#### **Адабиётлар:**

1. Чет тиллари бўйича ДТС талаблари ўқув-адабиёти
  2. Умумий ўрта таълим ДТС таълим-тарбия жараёнида қўллаш юзасидан ишлаб чиқилган "меъёрий ҳужжатлар."
- а) "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
  - б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги фармонлари ва асарлари;
  - в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун ДТСни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги 1998 йил 5 январдаги 5-сон ҳамда "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорлари.

#### ***Мавзу: Янги педагогик технология ва унинг аҳамияти.***

**Мақсад:** Ўқувчиларга янги педагогик технологияларни жорий этиш маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришни таъминлаш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга таълим-тарбия бериш маҳоратларини ривожлантириш. Янги педагогик технологиянинг анъанавий таълим жараёнидан афзалликлари ҳақидаги квникма ва билимларни мустаҳкамлаш.

**Кўргазма:** Стендлар, дидактик материаллар.

### Р Е Ж А:

Таълим технологияси фалсафаси.

Ўқув омилларини яратишга асосланган технология актёрлик фаолияти.

1. Тарбия методлари - янги педагогик технология ва анъанавий таълим.
2. Таълим мазмуни ва дидактик жараён.

«Таълим туғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёrlаш миллий дастури»да фан предметлари жумладан хорижий тилларни ривожлантириш ва мазкур тилларни хорижий дарсларни ўтиш учун янги вазифалар юклади. Нима учун ноанъанавий дарслар керак бўлиб қолди. Хозирги шароитда биз жамиятга фақат билим эмас балки ижодкор тадбиркор кишиларни ҳам етказиб беришимиз керак. Биз ўз педагоглик фаолиятимизда натижа берадиган тадбиркорликни қўлай билишимиз керак.

Савол – мактабда хорижий тил ўқитишининг мақсади нима.

Жавоб – агар қисқа қилб айтадиган бўлсак биз тарбиялаётган ўқитаётган қизимиз, ўғлимиз билимли бўлсин, оғзаки нутқни ривожланган, нутқи ўсган, ўз фикрини равон ифодалайдиган бўлсин. «Таълим туғрисидаги қонун»га биноан таълим мазмунини лойиҳалаш ўқитишида янги педагогик технологияларни қўллаш шарт бўлиб қолди. Бу технология марказида ўқитувчи (субъект) ва ўқувчи (объект) туради. Бу икки шахснинг ҳамкорлиги ўзаро мулоқоти миллий талаблар асосида ташкил топиши керак

Талим технологияси нима? Таълим технология тушунча ўрганиш демакдир. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йигиндиси ва объектга содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади. Ўқувчilar ўз иш фаолиятида қуидаги технологик жараёнда бўйсндиришлари керак: тартибга, солиш бир тизимга келтириш, олдиндан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини босқичма – босқич амалиётга жорий этиш.

«Таълим технологияси» тушунчаси «таълим методикаси» тушунчасига нисбатан бир оз кенгроқдир. Таълим методи ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолият кўрсатиш усули, таълим методикаси эса ўқув предметини ўқитишининг метод, усул ва қоидалари тизимини ифодалайди. Таълим технологияси таълим мақсадига эришиш қуролидир. Педагогик технологиянинг моҳияти дедактик мақсад ва уни тадбик этиш ҳисобга олиб таълим жараёнини олдинданолдиндан лойиҳалаштиришида акс этади.

Педагогик технологияда кўзланган мақсадга эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, коммуникатив маҳоратини ўқувчilarга мулоқот маданияти, нутқининг равонлиги, коммуникатив маҳоратининг ўқувчilarга таъсирига боғлиқ. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса ўқитувчи ўз маҳорати усулларидан дарсда қай даражада самарали фойдалана олишига боғлиқдир.

Эндилиқда ўқитувчи ўз ўқувчilarини руҳий зўриқишлирига йўл қўймаслигини, талабалар ниманларни билиши кераклигини билиши лозим. Ҳар бир дарс мативация вужудга келтиришдан бошланади, мативация - ўқиш, билишнинг қалити бўлиб ҳисобланади. Бугунги кун ўқитувчиси йўналтирувчи, бажарувчи, назорат қилувчи ва тўзатуввидир. Хозирги кун талаби ўқитувчидан актёр бўлишни ҳам талаб этадики, ўқитувчи ҳам актёр ҳам йўналтирувчи бўлиши керак.

Презтимизнинг «Янгисини курмасдан туриб, эскисини бузмаслик» ибораси таълим тизимида ҳам таалуклидир. ДТСнинг амалга оширишда анаънавий методлар - сўров, ёзма иш, иншо, мутоааларини ўзи ҳам етарли етарли бўлмай қолди. Дарс фаолиятининг янада фаоллаштириш, тезлатиш учун муаммоли изланувчан методлардан кўпроқ фойдаланиш зарур. Коммуникатив мақсадларни амалга оширишда яккама–якка ёки гурух–гурух бўлиб ишлашларни ташкил қилиш, ўқувчини нутқ маданиятини такомиллаштириш ва ўстириш замонавий дарсларнинг зарур шартларидан бири бўлиб қолди.

### **Тест саволлари:**

1. Мактабда хорижий тилни ўқитишининг мақсади нима?
  - а) Хорижий тилдаги оғзаки ва ёзма нутқларни тушуниш ва ўз фикрини баён этиш.
  - б) Ўзга тилда мулоқот қила олиш.
  - в) Она тилини хорижий тил билан таққослаш учун.
  - г) Чет тилида гаплашишга ўргатиш учун.
2. Таълим мазмуни ва дидактик жараён қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
  - а) Таълим мазмуни янги педагогик технология жорий этиш демакдир.
  - б) Тарбия методларининг анъанавий таълим билан боғлиқлигидир.
  - в) Таълим мазмуниниг моҳияти дидактик мақсад ва уни татбиқ этишни ҳисобга олиб олдиндан лойиҳалашдир.
  - г) Ҳамма жавоб тўғри.
3. Янги педагогик технология ва анъанавий таълим фарқи қайси жавобда қайд этилган.
  - а) Янги педагогик технология бир хилликдан хилма-хилликка, анъанавий таълимдан фарқи метод ва усусларнинг тубдан фарқ қилишидир.
  - б) Янги педагогик технология ноанъанавий дарслар ташкилланишидир.
  - в) Ижодкор, тадбирпкор кадрларни таркиб топтиришдир.
  - г) Таълим жараёнларини амалга ошириш усуслари, воситалари йигиндисидир.
4. Таълим технологияси тушунчаси таърифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган.
  - а) Ўқув предметини ўқитишининг метод, усул ва қоидалари тизимини ифодалайди.
  - б) Субъект ва объекtlарнинг ўзаро ҳамкорлиги.
  - в) Таълим технологияси таълим мақсадига эришиш қуролидир.
  - г) Ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолият туридир.
5. Замонавий дарс нима?
  - а) биринчидан, ўқув ва тарбиявий мақсадларни аниқ йўлга кўйган бўлиш, иккинчидан, тарбиявий мақсадлар мазмуни ва услубларини фан-техника даражасига мувофиқлаштириш, учинчидан, фан олдида турган муаммоларни ёритиш, тўртинчидан ўқувчиларни ижодкорлик ва мустақил фикрлашни ривожлантирадиган дарс бўлиши зарур.
  - б) ноанъанавий дарс замонавий дарсdir.
  - в) билим ва тарбияни ўқувчиларга етказишга замонавий дарс дейилади.
  - г) ўқувчилар эркин мулоқотга киришган дарс заионавий дарс дейилади.
6. Ноанъанавий дарс ва унинг турлари.
  - а) Анъанавий дарсдан фарқ қилувчи дарс ноанъанавий дарс дейилади.
  - б) Эртак, саёҳат дарси, Прессконференция, телекўприк, театр дарс, Суд, ярмарка, бозор каби дарслар киради.
  - в) Турли ўйинлар, дидактик ўйинлар билан ўтказилган дарс.
  - г) Ўқитувчи ижодкор, фантазия билан ўтган дарс.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги Қонуни.
2. ДТС ўкув адабиёти.

### **МАВЗУ: Тест шакллари ва улардан фойдаланиш**

**Мақсад:** Ўқувчиларнинг тест шакллари ва улардан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамланганлигини назорат қилиш. Тест топшириклигига қўйиладиган дидактик талабалар хақида маълумот бериш.

**Кутиладиган натижа:** Ўқувчиларнинг хорижий тиллар бўйича тест топшириклигини бажариш юзасидан маҳоратларининг такомиллашини таъминлаш. Давлат тест маркази томонидан тавсия этилган тестларни бажаришга ўргатиш.

**Кўргазма:** Ахборотномалар йиғма жилди. Тест заҳиралари. Тарқатма материаллар.

## **Р Е Ж А:**

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва хорижий тиллар.
2. Замонавий дарс нима?
3. Янгича ўқитиш методлар

Мустақил Ўзбекистонимизда турли соҳаларда улкан ўзгаришлар амалга ошмоқда.

Ўзбекистонда миллий мағкуранинг яратишида таълим ва тарбиянинг ўчоғи бўлмиш мактаблар, лицейлар ва қоллежларнинг аҳамияти каттадир, Демократик жамиятда болалар умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Қабул қилинган давлат қонунлари «Таълим туғрисида»ги ва миллий дастурларимизда худди ана шу масалага катта эътибор берилди. Ҳар бир фан учун ДТС яратилди, уларда нутқ ўстириш асосий ўринни тутади, ДТС ларига мувофиқ авваламбор хорижий тилларнинг хафталик ўқитилиши соатлари ҳар бир синфда Зсоатдан деб белгиланди, ҳар бир синф учун зарур бўлган лексик, грамматик бирликлар белгиланди. ДТС асосида 5-6 синфлар учун дарсликлар ўқитувчи қўлланмалари яратди. Янги педагогик технология ва ахборот технологияларни яратиш ва ундан фойдаланиш - умумий ўрта таълим давлат стандарти таълим мининг оптималь ташқил этишини таъминлайди ва мазмунини белгилайди.

Миллий дастурда бошқа фанлар қатори хорижий тилларга ҳам катта эътибор берилди. Хорижий тиллар ўқитишнинг мақсад ва вазифаси кўрсатиб ўтилди. Хорижий тилларни ўқувчилар мактабларда амалий таълимий тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадда ўрганадилар. Амалий мақсад ўзгаларнинг хорижий тилдаги оғзаки ва ёзма нутқларини тушуниш ва ўз фикрини баён этишдан иборат.

Биз ўқувчига билим берар эканмиз, биз уни тарбиялаб ҳам берамиз. Биз дарсларимизда таълим ва тарбиянинг муштараклигига эришмас эканмиз кутган натижамиз чиқмайди.

Тарбиявий мақсад - ўқувчиларни ватанпарварлик ва ахлоқий руҳда тарбиялаш ҳар томонлама ривожланган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш ростгуйлик имон, этиқодли ҳалқининг миллий қадриятларига хурмат билан қаровчи иродали сифатларни ўз ичига олади.

Таълимий мақсад:

-бу хорижий тилни ўргатиш жараёнида ўқувчилар тафаккурини ўстириш ва шу тилни ўзлаштириш орқали она тилидан эгалланган билимларини ривожлантириш тушунилади. Бу мақсадни амалга ошириш предметлар аро боғланиш мухим ўрин тутади. Хорижий тил инглиз, немис, испан, францўзми – у она тили, адабиёт, тарих, география ўзаро боғлиқлиги биринчидан улар хорижий тилларни ўрганишда қўшимча материал бўлса иккинчидан ўқувчиларнинг шу тилларни ўрганишда билимларни кенгайтиради.

Ривожлантирувчи мақсад ўқувчини ҳар томонлама етук шахс бўлиб этишишини назарда тутади. Биз айтиб ўтган мақсадларни амалга ошириш учун қуидаги 3та вазифани белгилаб олишимиз мухим. 1тил ўқитиш билан боғлик 2та тил ўрганиш билан боғлик 3-ўқувчилар эгаллаган малака ва кўнікмаларни назорат қилиш билан боғлик. Бу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Янги дарсликлар, янги методик қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда. Дарс беришнинг эски усууларидан воз кечишимиз илғор педагогик ахборот технологиялари хаётимизга кириб келмоқда. Ўқувчиларимиз хорижда билим олмоқдалар. Муқаммал дастур асосида яратилган такомиллашган дарслик самарадор усууллар билан ўқувчилар онгига сингдирилганда гина кузатилган натижага бериш мумкин. Билими ва тарбияни ўқувчиларни етказиш жараёни дарс ҳисоблади. Замон талаби билан ноанъанавий дарс замонавий дарс деган тушунчалар педагоглик фаолиятимизга кириб келмоқда. Замонавий дарс нима, у қандай бўлиши керак?

1-чидан замонавий дарс ўқув ва тарбиявий мақсадларни аниқ йўлга қўйган бўлиш 2-чидан тарбиявий мақсадлар мазмuni ва услубларини фан ва техника даражасига мувофиқлаштириш 3-чидан

фан олдидаги турган муаммоларни ёритиш. 4-чидан ўқувчиларни ижодкорликни мустақил фикрлашни ривожлантирадиган дарс бўлиши керак. Кейинги пайтларда янгича ўқитиш методлари деган нарсани тез-тез эшигадиган бўлиб қолдик. Метод нима. Метод

мукаммал ва аник тамойилга эга бўлган ўқитишининг кўринишидир. Усул эса таълим-методининг асосий таркибий қисмларидан биридир.

### **Тест саволлари:**

1. Тест биринчи бор қаерда ва қачон жорий этилган?
  - а) 1908 йил АҚШда
  - б) XIX аср охирида Францияда
  - в) XX аср бошларида Германияда
  - г) 1896 йилда Буюк Британияда қўлланилган.
2. Қайси мамлакат парламенти таълимни ривожлантиришининг асосий йўналишлари ҳақида қонун қабул қиласан ва нечанчи йили?
  - а) АҚШ Сенати 1982 йилда
  - б) Франция парламенти 1989 йилда
  - в) Италия парламенти 1809 йилда
  - г) Россия парламенти 1970 йилда
3. Тест турлари тўғри белгиланган жавобни топинг.
  - а) Интелектуал ривожланиш даражасини аниқловчи, Педагогик, Муайян касбга ноаниқликни аниқловчи тестлар
  - б) Педагогик, мантиқ-статистика
  - в) Педагогик, педагогик тестлар мажмуи
  - г) Бирдан-бир тўғри жавобли, бир неча тўғри жавобли, тўғри кетма-кетликни аниқлаш.
4. Тест топширикларига қўйиладиган дидактик талаблар.
  - а) Ўқув материаларининг мақсадга мувофиқлиги, материал аҳамиятлилиги, илмий аниқлик, изчиллик, тўқислик ва уйғунлик.
  - б) Ўзлаштириш даражасига кўра, тўқислик ва уйғунлик.
  - г) Ижодий фикрлашга оид, изчиллик ва самародорлик.

### **Адабиётлар:**

1. Ч.Грик 1996 й. "Тест нового типа".
2. Ж.Фишер "Ўқувчиларнинг билим даражасини текшириш усуллари."
3. Ахборотномалар йиғма жилди.
4. Фарберман Б.Л. "Составление педагогических тестов".
5. Фарберман Б.Л. "Методика разработки применение тестов".

### **Мавзу: Ноанъанавий дарс ва унинг турлари**

**Мақсад:** Нутқ фаолиятининг тури бўлмиш тинглаб тушуниш ҳақида маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқувчиларни тинглаб тушуниш малака ва кўнималарининг такомиллашганлигини таъминлаш.

**Кўргазма:** Стендлар қўлда тайёрланган дидактик материаллар.

### **Р Е Ж А:**

1. Ноанаънавий дарс турлари.
  2. Ноанаънавий дарс шакллари. Унинг анъанавий дарсдан фарқи.
- Ноанаънавий дарс синфда ёки синфдан ташқарида ўтказилиши кўпроқ умумлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш машғулотлардан иборат бўлиши мумкин. Ноанаънавий дарслар факатгина дарс машғулоти бўлиб қолмай у дарсдан ташқарида хам ўтказилиши мумкин. Ноанаънавий дарс усулларидан фойдаланиш давр талаби бўлиб қолди. ДТС лари талбларини бажариш учун биз ижодкор усулларни ўрганишимиз ишимизга тадбиқ этишимиз хам фарз, хам қарз бўлиб қолди. Ноананаънавий дарс нима, Бу одатдаги дарсдан фарқ қиласиган Лекин ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадиг эришадиган дарс десак янглишмаймиз. М.мактабларимизда хорижий тиллар бўйича

маълум бир режа асосида ноанаънавий дарслар ўтказилмоқда, ўрганилмоқда ва оммалаштрилмоқда.

Чунки бу нарса «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида хам алохida таъкидланганидек ўқитувчи олдига катта масъулият қўяди.

Ноанаънавий таълимдан кўзда тутилган мақсад ўқувчиларга фақат билим, кўнишка малака беришдан иборат бўлиб қолмасдан ўқувчиларни амалиётга яқинлашиши иборат. Ноанаънавий дарс кўпроқ дарснинг умумлаштирувчи мустаҳкамлаш машғулотларида самаралирек бўлади. Ноанаънавий дарс янги педагогик ахботот технологиясига асосланган самарали лойиҳа асосида ўтилиши керак. Ноанаънавий дарс ташкил қилишдан олдин ўқитувчи унинг самарасини олдиндан билиш керак.

Хорижий тилларни ўрганишда ноанъанвий усуллардан кенг фойдаланиляпти. Лекин ноанъанвий усуллар ҳам оддийдан мураккабга асосида ўтказилиши керак.

Ноанъанавий дарс шаклларига эртак, саёхат дарси, Прес-конференсе, телекүпприк, Суд ярмарка, Бозор каби дарсларни олишимиз мумкин.

М: Тили ўрганиладиган мамлакат ҳақидағи олган билим ва күймаларни мустахкамлаш мақсадида Саёхат дарсими ташқил этиш мүмкін. Айтиб ўтиладигандек бу саёхат дарсимиң режа асосида тайёргарлик билан фантазиямизга мос ўтилса ҳеч бир ўқувчи дарсда томошабин бўлмасдан ўз самарасини беради. Тасаввур қилинг биз Лондон, Америка, Германия ёки Парижга фикран саёхатимиз учун зарур бўлган воситалар карталар шаҳарлар расмлари машхур кишилар, портретлари рамзлари тайёрланади. Дарсни жонли ўтиш учун энг қызықарли одат ва анъаналарни драмалаштириш мүмкін.

Дарсни ташқил этишда ўқитувчи бўлиши ёки бу вазифани бошқа бир аълочи ўқувчига топшириши ҳам мумкин. Дарсда қолипга тушган навбатчи рапорти ўқувчининг

Об-ҳаво ҳақидағи маълумоти каби алмисоқдан қолган дарс этапларидан воз кечилади. Бу нарсаларни дарсга мослаб масалан тили ўрганилган мамлакат об-ҳавоси гапириладиган пайтда гапирилиб ахборот берилиб кетиши мүмкін.

Тили ўрганилаётган мамлакат урф одатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш хорижий тилларни ўрганиш давлат стандартига ва талабларида ҳам кўзда тутилгани учун шу одатларни гапирилар экан уларнинг ўзбекона, шарқона удумларимизга қанчалик мос келишимиз унинг тарбиявий аҳамиятига ҳам тухталамиз.

М:Диний байрамлардан «Christmas» ғрождествоғнинг ҳайт байрамларига ўхшаб кетиши айтилса ўқувчи бу байрам ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлади.

Ёки Лондон автобуслари 2 қаватли бўлади, улар 3 хил рангда ҳар бир маълум бир йўналиши учун мўлжалланган деган фикр айтишда ўқувчи ўзи шунга тайёрланади. Бу эса ўқувчидаги ахборотни билишда интилиши ижодкорликни ривожлантиради.

Демак ноанъанавий дарснинг анъанавий дарсдан фарқи ўқитувчининг ижодкорлигига фантазиясига педагогик моҳирлигига

Боғлик бўлиб ноанъанавий дарс ўқувчини зериктирмайди, чарчатмайди, ўқувчи ўзини эркин ҳис этади, дарсда ўйнайди, ва лекин билим олади.

Масалан, аниқ бир мавзу турличы талкин этилади, турли усуллар билан ўқувчи онгига сингдирилади.

Маълум метод ёки усулни шаклланишида восита иштирок этади, у предмет орқали кўргазмали куроллар техник воситалар ва ҳиссиёт орқали бўлиши мумкин.

М. Мевалар мавзуси ўтилганда шу меванинг ўзини ёки расмини дарсга олиб кириб предмет усулидан фойдаланимиз, унинг таъмини, рангини айтиш орқали сезамиз.

Бундан ташқари турли ўйинлар методлари харакатлар уйинлар, дидактик ўйинлар дарс жараёнига тадбиқ этилади. Буларда биз кўзлаган мақсадимизга етамиз деб ўйлаймиз.

## Тест саволлари:

1. Тинглаб түшүниш нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида қандай хүсусиятларга эга?
    - а) Тинглаб түшүниш психологик ва лингвистик хүсусиятларга эга.

- б) Хотира тури, қисқа муддатли хотира.
- в) Тинглаш ва тушуниш, тинглаб тушуниш.
- г) Тинглашга мўлжалланган аудитив восита машқ ва дастур.
2. Ўрта мактабларда тинглаб тушунишга қандай талаблар қўйилган?
- а) Суҳбатдош билан бевосита мулоқот, театр, радио, телефон орқали суҳбат ва ҳ.к.
- б) Аудио матн материали, ҳажми, мазмуни тушуниш, эшигтириш.
- в) Эркин тинглаб тушунишга эришиш.
- г) Нутқни тинглаш қобилияти, диққат, узоқ ва қисқа муддатли хотира малакаларининг эгалланганлиги.
3. Тинглаб тушуниш учун қандай психолигик омиллар хизмат қиласди?
- а) Сигналларнинг кетма-кетлигини таъминлаш.
- б) Нутқни тинглаш қобилияти, диққат, узоқ ва қисқа муддатли хотира олдиндан фараз қилиш ва фикрлаш.
- в) Интонацион тинглаш қобилияти.
- г) Фонетикага оид талафузни йўлга қўйишга хизмат қиласди.
4. Тинглаб тушуниш жараёнида қандай қийинчиликлар мавжуд?
- а) Тинглаб тушуниш жараёридаги таянчлар.
- б) Тингловчининг индивидуал ёш хусусияти, тинглаб тушуниш шароитлари билан боғлиқ бўлган ва лингвистик қийинчиликлар.
- в) Нутқнинг турли шаклларини қакмраб олиши.
- г) Кўшимча ахборол элементлари кўп бўлмаслиги.
5. Тайёрлов машқлари қандай хусусиятга эга?
- а) маҳсус машқлар тайёрлов машқлари деб номланади.
- б) Тайёрлов машқлари аввал шаклга эътибор бериладиган машқлардир.
- в) Бир шахсга ёндошиш принципи.
- г) Кўришга мўлжалланган восита, нарса ҳодиса, кўргазмали восита.
6. Нутқ машқлари тайёрлов машқлардан қайси хусусиятлари билан фарқ қиласди?
- а) Ўқувчида қизиқиш уйғотадиган масалани ёритиши.
- б) Нутқ машқлари мазмун ва моҳиятни ифодаласа, тайёрлов машқлари шаклга эътибор бериладиган машқлардир.
- в) Биринчи шахс тилидван ёзилмаслиги.
- г) аниқ, содда ва мантиқан тўғри қурилиши.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Раҳмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида. М.Просвѣщение 1967 йил 199-248 бетлар.
2. Н. И. Гез, М. В. Ляковицкая, А. А. Миролюбов. Методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.
3. С.К. Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в неязўковом вузе. Вўсшая школа 1989 йил.

#### **Мавзу: Чет тили дарси ва уни режалаштириш.**

**Мақсад:** Хорижий тил дарслари моҳиятини ўқитувчилар онгига сингдириш. Дарс турлари, мақсади, тузилиши ва босқичлари ҳакида маълумот бериши.

**Кутиладиган натижа:** Ўқитувчиларнинг назарияни амалиёт билан боғлаш кўникума ва билимларини ривожлантириш. Дарсларни ДТС талаблари асосида, Янги педагогик технологияларни қўллай олиш малакаларини ёзма матнларда ифода этишларини назорат қилишга ўргатиши.

**Кўргазма:** Стендлар, чизмалар, қўлда тайёрланган дидактик материаллар.

#### **Режа:**

1. Дарс тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Дарснинг психологик ва дидактик асослари.

3. Чет тили дарснинг хусусиятлари.
4. Дарс турлари.
5. Дарснинг мақсади.
6. Дарснинг тузилиши ва босқичлари.
  - а) ташкий давр
  - б) тил мухитини яратиш
  - в) сураш ва баҳолаш
  - г) янги материал тақдимоти
7. Ўқиувлчига қўйиладиган талаблар
8. Дарсни режалаштириш

**МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОҲИ.**

**Дарс** - илм, маълумот олиш ва бериш мақсадида ўтказиладиган машғулот, маълумот олиш ва бериш жараёни ёки сабоқ, ўргатиш ва ўрганиш жараёни.

**Билим** - маълум соҳада тўплангандан илмий тажриба. Ўқиши, ўрганиш натижаси, хосиласи.

**Дарснинг психологияк асослари** - ўқувининг билиш фаолиятига таъсир қиласидаган руҳий ҳолат ва жараёнлар.

**Чет тили дарснинг мақсади** - чет тил дарсида тасавур қилинган натижа: ўқувчиларни чет тилдан муомала воситаси сифатида фойдаланишга ўргатиш.

**Дарс режаси** - дарс жараённида олиб бориладиган, бажариладиган ишларнинг умумий мазмуни.

**Ташкилий давр** - синфни ва ўқувчиларни дарсга тайёрлаш, бу даврда ўқувчилар синф хонаси, таълим воситалари, дарсга тайёрланади.

**Фаолият** - кишининг маълум мақсад билан бошқарилиб туриладиган ички ва ташки фаоллиги.

**Баҳолаш** - ўқувчилар биланини баллар ёрдамида ўлчаш.

**Машқ** - чет тилда бажарилган ўқув амали, таркиби талаб ва материал қисмлардан иборат ўқув бирлиги.

**Дарс материали** - дарсда ўрганилиши лозим бўлган лексик, граматик ва фонетик билимлар мажмумаси.

## ДАРС

Ўқув юртларида илм, билим, маълумот олиш ва бериш мақсадида ўтладиган машғулот, сабоқ ёки дарс деб юритилади. Дарс ўргатиш жараёндир. Дарс мактабда ўқув ишиларини ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Дарс бир хил таркибдаги ўқувчилар билан қаътий жадвал асосида маълум дидактик мақсадни амалга ошириш жарёндир.

Маълумки дарсда ўқитувчи ва ўқувчи иштирок этади. Ўқитувчи нуқтаи назаридан эса дарс ўқиши, ўрганиш жараёни ҳисобланади. Аслида дарс ўқиши ва ўрганиш ўргатиш жарёни бўлгани маъқулроқ. Билимларни эгаллаш ўқувчиларнинг фаоллиги, ўқиши, ўрганиш фаоллиги асосидагина амалга оширилади. Дарс жараённида таълимнинг психологик ва дидактик шароитларига асосланиш асосий вазифа бўлиши керак.

Дарс факатгина ўқитувчининг ташкилий педагогик ҳаракатига бўлмай, балки, таълим олувчи ва таълим берувчининг икки томонлама фаолиятидир.

Шунинг учун ҳам дарс назариясини хал қилишда бир томондан нутқ назарияси, иккинчи томондан эса педагогика ва лингвистика фанлари олиб борилган тадқиқот натижаларини ҳисобга олиш зарур.

## ДАРСНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ДИДАКТИК АСОСЛАРИ.

Ўқувчининг билиш фаоллигига таъсир қиласидаган психик ҳолат ва жараёнлар дарснинг психологик асоси ҳисобланади. Бунга биринчи навбатда дикқат, билимларни эгаллашга қаратилган ички тайёрлик, уларнинг билиш минатдорлиги, фикрий фаоллиги,

иродавий хислатлари ўз-ўзини мажбур қила олиш, ишдаги қатыйлиги ва ўқувчининг интилишлари киради. Ўқувчининг билим олишга қаратилган ижобий кайфияти ва унинг уринишлари ҳам кўп жиҳатдан унинг руҳий ҳолатига боғлиқ.

Дарснинг дидактик асослари деганда ўқувчилар диққат эътиборини таълимий восита ва усуллар билан ўқув материалига қаратиш, уларнинг билиш жараёнида фикрлаш фаоллигига таъсир ўтказиш, ўқувчиларни билишга ички тайёрлаш, қизиқтириш, интилтириш усуллари ва йўллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

#### ЧЕТ ТИЛИ ДАРСИННИГ ХУСУСИЯТИ.

Чет тили дарснинг бошқа фан дарсларидан сифат жиҳатларидан фарқ қилиниши тамомила табиийдир, чунки чет тили фани ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусиятларни чет тилини ўқув фани сифатида таҳлил қилиш асосидагина аниқлаш мумкин.

Чет тили дарсларининг мақсади ўқувчиларнинг тилда муомала воситаси сифатида фойдаланишга ўргатишидир.

#### ДАРС РЕЖАСИ.

Дарс режаси календар – тематик режа асосида тузилади.

Дарснинг режа конспектини тузишда қўйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур.

1. Чет тили дарсида нутқий қўнималар шакллантирилади ва малакалар ривожлантирилади.
2. Дарснинг мазмуни сифатида қатъий кетма-кетлик асосида бажариладиган машқлар комплекси хизмат қиласи.
3. Дарс жараёнида амалий, умумтаълим, тарбиявий ва ривожлантириувчи мақсадлар муомала жараёнида амалга оширилади.
4. Дарсни режалаш жараёнида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади.
5. Ҳар бир дарснинг вазифаси бошқа дарсларга боғланган ҳолда дарслар қаторида белгиланади.
6. Тил материали комплекс равишда тақдим қилинади.
7. Нутқ фаолиятининг ҳар бир тури учун мавжуд машқлар комплексидан фойдаланилади.
8. Нутқий практика табиий муомала шароитига яқинлаштирилади, яъни муомалага юналтирилади. Мотивлаштирилади ва вазиятга мослаштирилади.
9. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчидаги қизиқиш уйғотишида ва уларни интилтиришга қаратилади.
10. Ҳар бир дарсда такрорлаш учун материалдан фойдаланилади.
11. Дарснинг самарадорлиги ўқувчиларнинг нутқий фаоллиги билан белгиланади.
12. Дарсда ўқувчилар билим, қўнимма ва малакаларини мунтазам назорат қилиб борилади.
13. Дарснинг мазмуни ўқувчиларни уйда мустақил иш бажаришга тайёрлайди.
14. Дарс чет тилида ўқувчилар учун тушунарли тарзда олиб борилади.
15. Чет тили дарси дарслар тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, ҳар бир дарсда асосий эътибор нутқ фаолиятининг турларида маълум тил материалини ўзлаштириб олишга қаратилади.

#### ДАРС ТУРЛАРИ

Методика чет тили дарслари икки турга бўлиш қабул қилинган. Дарснинг биринчи турида ўқувчининг фаолияти тил материалидан фойдаланишга оид қўнималарини шакллантириш ва малакаларини ривожлантиришга қаратилади. Бундай дарсларда

А) янги материал билан таништириш

Б) янги материални қўллашга ўргатиш асосий ўринни эгаллайди.

Иккинчи тур дарсларда ўқувчилар нутқ фаолиятининг турларида муомала қиласидилар. Натижада нутқ фаолияти турларидан бири ёки барча турлари бир бири билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилади.

Таълим жараёнида дарснинг иккала тури нутқ фаолиятининг ҳусусияти, ўкув материали ва таълим воситаларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда алмаштириб терилиши мақсадга мувофиқ.

### ДАРСНИНГ МАҚСАДИ.

Ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришларига ва ўз билимларни амалда қўллай оладиган бўлишларига эришиши уларда ижодий фаолият кўникмаси ҳосил қилиш ва шахс фазилатларини тарбиялаб бериш мақсади қўйилади. Ҳар бир дарсда таълимнинг умумий мақсади тўлдирилади ушбу мақсад учун хизмат қиласди.

Методик адабиётда чет тили дарснинг мақсади икки хил талқин қилиниши кузатиш мумкин.

1. Тил материални тақдим қилиш мумкин.
2. Нутқ кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Тил метериалини ўзлаштириш ўқувчиларни оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш учун асос бўлиб хизмат қилгандагина, дарс, нутқ фаолияти кўникмаси ва малакаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришнинг босқичи сифатида аҳамият касб этади.

### ТАШКИЛИЙ ДАВР

Ҳар бир дарс ташкилий даврдан бошланади: бу даврда ўқувчилар синф хонаси, таълим воситалари дарсга тайёрланади. Айниқса ўқувчини психологик жиҳатдан дарсга тайёрлаш муҳим рол ўйнайди. Ўқувчилар аввалги дарс ёки танаффус бўлган бирор воқеа – ходиса таъсирида бўладилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларни эътиборини, диққатини, хаёлини фикрий фаоллигини ўз дарсига буриши лозим. Ўқувчиларда дарсга ички тайёргарликни таъминлаш энг долзарб вазифадир. Одатда бу даврда қуидаги усууллар кўнг қўлланилади, жумладан:

1. ўқитувчи дарсга киради, синфни кўздан кечиради, бошқа иш билан банд бўлган ўқувчи ёки ўқувчилар тайёр бўлгунларига қадар уларни кузатган ҳолда кутиб туради, сўнгра саломлашади. Бу ўринда ўқитувчи синфнинг тозалиги, доска, латта, бўр каби воситаларни дарсга тайёрлиги, ўқувчиларнинг кийимлари кўринишлари, бош кийимларнинг ечилганлиги ва бошқаларга қониққанидан сўнг саломлашса ва бу ҳар дарсда такрорланса, ушбу ўқитувчининг дларсига ўқувчиларнинг талаб даражасида тайёргарлик кўришлари одат тусига кириб қолади.
2. Маълум ўқувчининг шахсига тегмаган ҳолда танбех бериш усули билан синфни, хонани дарсга тайёрлаш ва жимликни таъминлаш мумкин.
3. Ўқувчиларни аввалги таассуротларидан чалғитиши, улардан ички фаолликни таъминлаш мақсадида барча ўқувчилар биладиган ва ушбу дарсга алоқаси бўлган воқеани эслатиш мумкин.
4. Ўқувчилар диққат эътиборини жалб қилиш ниятида ўқитувчини ўзи намуна кўрсатиши, қоғозларни териши, стол олдига келиб туриши, китоб дафтарини стол устига кўйиши ва ўқувчилардан ҳам ушбуни талаоб қилиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг муомала маданиятига, ўқувчиларга бўлган самимий муносабатига ва унинг колективдаги обрў эътиборига, қатъиятига, ўзини тутиши ва бир сўз билан айтганда педагогик маҳоратига боғлиқ.

Дарсни бошлашдан аввал эхтиёtsизлик билан қилинган ҳар қандай ҳаракат ёки айтилган сўз ўқувчиларни ранжитиши, дарсдаги психологик ҳолатни, вазиятни бузиши ва ўқувчилар рухиятига салбийтаъсир кўрсатиши мумкин.

Хонада ўқувчилар эътиборини тортадиган нарсаларни ўқувчилар эътиборидан четда сақлаш лозим. Шунинг учун ҳам янги дарсга тегишли бўлган кўргазмали қуроллар, жадвал ва расмларни аввалдан илиб кўйиши тавсия қилинмайди. Шу билан бирга дарсдан аввал турли тадбирлар ҳақида ҳабар бериш ярамайди.

Ташкилий давр кўп вақт олмаслиги лозим. Педагогикада бу давр учун бир неча секунддан бир минутгача вақт берилади. Бу таъминлаш учун ўқитувчи аввалги дарсларида бунга кўп вақт ажратиши лозим. Токи синфни дарсга тайёр туриши ўқитувчи ва ўқувчилар одат тусига кириб қолсин. «У домламиз индамайди», «Домламизга барибир»,

«Тезроқ бўлинглар домла келяпти, яна танбех эшитамиз» деган жумлаларни ҳар бир ўқувчидан эшитиш мумкин. қайси жумлани айттириш ўқитувчининг ўзига боғлик. Шуни унутмаслик керакки, билимдон, талабчан ўқитувчини аксарият ўқувчилар хурмат қиласидилар. Ташкилий давр ўқувчиларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний куч-қувват бериши лозим. Бу қўпинча ўқитувчининг маҳорати: овози, саломлашиши, кайфияти, ўзининг тутиши, ташки кўриниши, самимийлиги, юморга бойлилиги билан белгиланади.

### ТИЛ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Чет тили дарсларида бошқа дарсларга қараганда бир босқич ортиқча ҳолатни компонентни кузатиш мумкин.

Дарсни тил муҳитини яратишдан бошлаш бу компонентга тегишлидир.

Тил муҳитини турли усууллар билан яратиш мумкин. Улардан айримлари келтирамиз.

- гурух навбатчисини чет тилидаги ахборотини тинглаш: ўқувчи, ой, кун, синфнинг дарсга тайёрлиги, ўқувчиларнинг дарсда иштироки, об-ҳаво ҳақида ахборот беради. Навбатчининг ахбороти дарсдан-дарсга мазмунан бойиши шаклан эса мураккаблашиб бориши лозим.
- Ўқувчиларни ўзаро сўзлашиши ҳам жуда яхши натижа беради. Ўқитувчи синфга кириб дарсни бошлагандан сўнг бир ўқувчини доска олдига чиқаради, у синфга бир қатор саволлар беради. Унинг саволлари тугагач ўқувчилар ўз жойида туриб унга саволлар берадилар. Шундай қилиб 3-4 минут давом этадиган «ўқувчи – синф» ва «Синф-ўқувчи» сўзлашиши тил муҳитини ҳамда дарсда зарур бўлган иш шароитини яратади. Агар бундай сухбатлар мунтазам янги мазмун билан тўлдириб борилмаса ва мунтазам ўтказилмаса яхши натижа бермайди.
- Дарснинг бошланиши хилма-хил бўлиши учун, баъзи ўқитувчилар синфга кириши билан ўқувчиларга дафтарини очишни, санани ёзишни ва ўқитувчи доскага нима ёзса шуни кўчириб ёзишни буюради. Ўқитувчи доскага олдинги дарсдан ўрганилган сўзлар ва ибораларни ўз ичига олган бир неча гап ёзади. Ушбу материал оғзаки ишланади.
- Бошқа ўқитувчилар дарсни ўқувчиларга тўла тушунарли материал асосида тузилган ҳикоя билан бошлайдилар. Бу асосан тинглаш машқлари бўлиб, унинг материали қанчалик қизиқарли бўлса, ўқувчилар уни шунча қизиқиш билан эшитадилар.
- Кўпчилик муаллимлар талаффуз машқларидан бошлашни фойдали деб ҳисоблайдилар бундай машқлар бажариб ўқувчилар товушларни, товуш бирикмаларини ва малакаларини назорат қилиш ниятида ўтилган дарс сўралади, ўқувчилар фаолияти билинади.

### СЎРАШ ВА БАҲОЛАШ.

Ўтилган дарсни сўраш ва баҳолаш онглилик, кетма-кетлик ва бошқа билимларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги принципларига асосланади. Таълим жараёнида, айниқса чет тили дарсларида агар ўқувчи ўтилган дарсни ўзлаштириб олмаган бўлса, олға силжиш мумкин эмас. Олға силжиш икки йўл билан амалга оширилади.

Улардан биринчиси:

1. Олға силжиш учун ўқитувчи ўргатилган материални ўқувчилар томонидан ўзлаштириш сифатини текширади ва баҳолайди.
2. Олға силжиш учун ўқитувчи ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини фақат текширибгина қолмасдан, балки ўқитувчи ўқувчига материални баён қилишга ёрдам беради, ўқувчини чуқурроқ фикрлашга ўргатади. Бу ҳолатда сўраш жараёни Сўраш – ўргатиш жараёнига айлантирилади. Педагогик нуқтаи назардан бу жараён кўпроқ ёқланади ва мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳеч қачон текшириш учун текширмаслик, балки назорат қилиб бориш ва таълим бериб назорат қилишга эришмоқ лозим.

- дарсда уй вазифасини текшириш босқичини бўлиши ҳар доим ҳам шарт эмас, балки дарснинг бошқа босқичларига қўшиб юбориш ҳам мумкин. Бу ўқитувчининг уддабуронлигига боғлиқ.

Сўраш жараёни ўқувчининг қизикиши ва фаоллигини ошириш ва ўқувчи учун келгуси дарсда асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Уй вазифасини сўрашга оид топшириқ ўқувчининг билим даражасига мос бўлиши ва дарсдаги ишнинг давоми бўлиши лозим. Масалан, агар дарсда мавзу юзасидан саволларга жавоб бериш машқи бажарилган бўлса, ўқувчи уйда бошқа саволларга янги ситуацияда жавоб бериши, агар расмга қараб ҳикоя қилинган бўлса, уйда бошқа расмга қараб ҳикоя тузиш топшириғи бажарилиши лозим.

Ўрта мактаб ўқувчилари гапириш, гаплашиш ва ўқишини ўргатиш вазифасини юклагани учун ҳам назорат обьекти бўлиб нутқ фаолиятининг ушбу турларига оид кўнкима ва малакаларнинг ривожланганлик даражаси бўлиш керак.

Ўтилган дарс юзасидан уй вазифасини сўраш янги мавзуга ўтиш учун кўприк вазифасини ўтайди. Бироқ янги мавзуга ўтишдан аввал сўралган дарс материали яна тақорланиши айни муддао бўлар эди. Бу тақорллаш франтал савол-жавоблардан, ўқитувчининг қисқача изохи, синов саволлар билан ўқувчиларга мурожати ва бошқа усууллардан иборат бўлиши мумкин.

Замонавий методика чет тили дарсининг асоси муомалага ўргатиш деб ҳисоблади. Шу муносабат билан дарс босқичлари «қисм»лари ҳақида турли фикрларни гувоҳи бўлиши мумкин. Масалан, «Умумий методика»... муаллифлари янги материални тақдим қилиш ва тушунтириш босқичи, дарснинг мустақил босқичи сифатида бўлиши шарт эмас. Чет тили дарси ўқувчиларда кўнкима ва малакаларни шакллантириш ва ўстириш дарси бўлгандиги сабабли «тақдим қилиш» ва «мустаҳкамлаш» босқичлари бирлаштирилиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Янги материални тақдим қилиш, тушунтириш аввал келадими ёки ўқувчилар томонидан янги материални ишга тушириш машқлардан кейин бўладими, барибир, дастлабки кўникмаларни таркиб топтириш билан боғлиқ. Тушунтириш ва машқлар бажариш бир жараёнда олиб борилади. Янги тил материали (ибора, сўз, грамматик, фонетик, лексик ҳодиса) ўқитувчи томонидан оғзаки ёки ёзма равишда тақдим қилинадими бундан қатъи назар, «Умумий методика»... муаллифлари фикрича дарс бошланишида тушунтирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу янги материални ўзлаштириш учун етарли вақт ажратиш ва ўқувчиларнинг материалини ўзлаштириб олганликларини назорат қилиш имконини беради.

Комбинациялаштирилигидан нутқ дарсларида дарс босқичларининг қуидаги изчиллигини кузатиш мумкин.

- а)тил муҳитини яратиш
- б)янги материални ўзлаштириш
- в)янги материал асосида нутқ фаолиятининг турларига оид кўникмаларни шакллантириш ва малакаларни ривожлантириш.

Соф нутқ дарсларида нутқ машқлари бажарилиб бу жараёнда тақорлаш, мустаҳкамлаш ва ўқувчилар малакасини ривожланиш даражасини назорат қилиш қўшиб олиб борилади.

Дарснинг таркибий қисми ҳақида «инглиз тили ўқитиши методикаси» муаллифлари У.Х.Хошимов, И.Я.Якобов (Тошкент 1993 йил) дарс жараёнини З босқичга бўлиб амалиётга яқин тўрганлар. Уларнинг фикрича биринчи босқичда чет тили муҳити яратилади, яъни:

- а) дарс ташкил қилинади
- б) фонетик машғулот
- в) оғзаки нутққа оид машғулот ўтказилади.

Дарснинг асосий қисмини ташкил қилувчи иккинчи босқичга янги тил материали тақдим қилинади, тинглаб тушунишни, гапириш, ўқиш ёзиш кўникмалари ва малакалари ривожлантирилади.

Дарснинг якунида яъни З босқичда:

1. Дарсга якун ясалади.

2. Ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятлари изоҳланади, баҳоланади.
3. Уй вазифаси берилади.

Янги материални маълум қилиш ва тушунтириш алоҳида босқичми ёки йўқми? Бу ҳақда баҳсни тўхтатиб, айтишимиз мумкин: бу дарснинг таркибий кисмига киради.

### ЯНГИ МАТЕРИАЛНИ ТУШУНТИРИШ

Янги материални тушунтириш жараёнида ўқувчиларнинг тилдан амалда фойдаланишга ўргатаётганимизни унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам бу жараённинг методик мазмунини

1. Нутққа йўналганлик.
2. Ситуативлик.
3. Функционаллик принциплари ташкил қилиш керак(И.Пассов)

Нутққа йўналганлик деганда

а) материалларни амалда қўлланилишини хисобга олиш,

б) барча машқларни нутққа мослиги,

в) мотив (ўқувчининг нутқда иштирок этиши ҳохишини яратиш-га)га алоҳида эътибор бериш лозим. Ситуативлик принципини тўғри тушуниш учун методикада ситуация деганда нималар назарда тутилишини аниқлаб олиш зарур.

Ситуация (вазият) - мавжуд ҳолатлар йиғиндиси.

- шарт-шароитлари комплекси;
- ҳаракатлар комплекси;
- муносабатлар йиғиндиси, мажмуи;
- воқеалар кетма-кетлиги;
- тил муҳити;
- тилга оид бўлмаган муҳит;
- тилга оид ва оид бўлмаган шарт-шароитлар мажмуи;
- нутқ ҳаракати учун фон;
- нутқий ундов.

Демак, ситуативлик деганда нутқнинг шакл ва мазмун жиҳатдан муҳитга мослигини тушуниш мумкин.

Функционаллик биринчи навбатда нутқ бирликларининг вазифасини назарда тутади. Дарсда қўлланилаётган ҳар бир нутқ бирлиги маълум вазифани аниқ ифодалаши лозим. Масалан, «Матнни тингланг», ёки «Ўқинг» деган топшириқдан ўқувчи мақсадни англаб етмайди. Одатда китоб, мақола, хабар ва бошқаларни, янгилик олиш, муҳокама қилиш, дам олиш, далилларни аниқлаш, умумий мазмунни тушуниш, саволларга жавоб бериш ниятида ўқиш ёки эшитиш мумкин. Бу ҳолат топшириқ беришда хисобга олиниши лозим. Функционалликни ҳисобга олиш нутқ бирлигини қаерда, қандай қўллаш имкониятларини тушуниб олишни таъминлади.

Тил материали юқоридаги принципиалларни ҳисобга олган ҳолда тақдим қилиниши ва тушунтирилиши лозим.

Янги материални танлаш, тақдим этиш ва тушунганликни назорат қилиш дарснинг мақсадидан келиб чиқади. Материални тақдим этишнинг шакл ва усуслари материални хусусияти, таълим босқичи, ўқувчиларнинг билим даражаларига қараб турлича бўлиши мумкин. Биргина талаб ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгармай қолаверади. Бу ўқувчилар томонидан материалнинг туғри идрок қилинишини ва тушунилишидир. Тўғри тушуниш кўп жиҳатдан тақдимотнинг тўғрилигига боғлиқ. Бу ўринда материал тақдимотининг микдорланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу билан бирга ихтиёрий ва ихтиёрсиз эслаб қолиш, эслаб қолишнинг мустаҳкамлиги, автоматизация, кўникмаларни шакллантириш, малакаларни ривожлантириш, ахборотнинг кетма-кетлиги ҳам материални ўзлаштириб олишни таъминловчи муҳим омиллардан эканлигини унутмаслик керак.

Ушбу босқичда билимлар кўникма даражасига, кўникмалар эса малака даражасига етказилиши лозим. Бундай мақсадга фақат тақрорлаш, машқ йўли билан эришилади.

Фонетика, грамматика ва лексикага оид билимлар фонетик, грамматик, лексик кўникмалар, яъни онгли равишда бажариладиган иш-харакат даражасига кўтарилади,

кўникмалар эса малакаларга - қисман автоматизм даражасига етказилган кўникмаларга - нутқий малакаларга етказилади.

Янги материални тақдимоти ўтилган материални мустаҳкамлаш ва янгисини тушунилганликни назорат қилиш билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Ҳар қандай назорат ўргатувчи таълимий назорат даражасига кўтарилгандагина яхши самара беради.

### ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИ

Ўқувчиларнинг дарсдаги фаолияти ақлий фаолият ҳисобланади. Бу фаолият маълум ҳаракат ва операциялар эгаллашга қаратилади. Бу ҳаракат ва операциялар тинглаш пайтидаги маълум тил материалини билиб олиш, таниб олиш ва тушуниш, контекстдаги сўзнинг маъносини аниқлаш, лексик бирикмаларни ва синтактик бирикмаларни қовуштириш ва бошқалар бўлиши мумкин.

### ДАРСНИНГ ТУЗИЛИШИ

Дарснинг тузилиши, яъни унинг бўлинадиган босқичлари ва уларнинг изчиллиги ўқитиши услубига, таълим босқичига, дарснинг мақсади ва мазмунига боғлиқ. Одатда ўрта мактаблардаги чет тили дарсининг таркибий қисмлари ёки босқичлари қўйидагилардан иборат.

1. Ташкилий қисм.
2. Ўтилган материални эсга солиш.
3. Янги материал билан ишлаш.
4. Янги материални мустаҳкамлаш.
5. Уйга вазифа бериш.

### С А В О Л Л А Р:

1. Дарс деганда нимани тушунасиз?
2. Дарснинг психологик асослари нима?
3. Дарснинг дидактик асослари ҳақида гапиринг.
4. Чет тили дарсининг қандай хусусиятларини биласиз?
5. Дарснинг қандай турлари бор?
6. Дарсда қандай мақсадлар қўйилади?
7. Дарс босқичлари ҳақида гапиринг.
8. Ўқитувчига қандай талаблар қўйилади?
9. Замонавий дарсга қандай талаблар қўйилган?
10. Дарс конспекти қандай бўлиши керак?
11. Дарсни режалаштириш ҳақида нималарни биласиз?

### Тест саволлари:

1. Дарс нима?
  - а) Анъанавийликка асосланиб ўтилган дарсга айтилади.
  - б) Илм, билим маълумот олиш ва бериш мақсадида ўтиладиган машғулот сабоқ ёки дарс деб юритилади.
  - в) Ноанъанавий услубларни қўллаб ўтилган сабоқ дарс деб аталади.
  - г) Ўқитувчининг ташкилий педагогик ҳаракатига асосланган фаолият дарс деб аталади.
2. Дарснинг психологик ва дидактик асослари.
  - а) Ўқувчининг билиш фаоллигига таъсир қиласиган психик ҳолат ва жараёнлар дарснинг психологик асоси ҳисобланади, дидактик асослари эса диққат эътиборни таълимий восита ва усуллар билан ўқув материалига қаратиши.
  - б) Ўқувчиларнинг руҳий-эмоционал ҳолатлари тушунилади.
  - в) Ўқувчининг билим олишга қаратилган ижобий кайфияти ва руҳий ҳолатга боғлиқ.
  - г) Барча жавоблар тўғри.
3. Чет тили дарсининг хусусиятлари.
  - а) Чет тили дарсининг ўзига хос бўлган хусусияти барча ахборот ва маълумотларни чет тилида баён этиш тушунилади.

- б) Ижтимоий фанларга боғлиқлигидир.
- в) Муомала воситаси сифатида фойдаланишга ўргатишидир.
- г) Барча фанлардан сифат жиҳатидан фарқ қилади.

4. Дарс турлари.

- а) Дарс ягона тур ва услубда ўтилади.
- б) Тил материали ва нутқий йўналтириш.
- в) Дарснинг асосан икки тури мавжуд.
- г) Дарс самарадорлигига қараб турларга ажратилади.

5. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар.

- а) Ўқувчилар фаолиятини йўналтириш талаб этилади.
- б) Чет тили дарсларида тил муҳитини яратиш, дарс турларидан самарали фойдаланиш ва мақсадга эришиш ўқитувчига қўйилган талабдир.
- в) Ноанъанавий услубларни муваффақиятли қўллаш талаб этилади.
- г) Ҳамма жавоблар тўғри.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Рахмонов, В.С.Иутлин таҳрири остида.
2. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов "Методика обучение иностраннўм язўкам в средней школе".
3. С.К.Фаломкина "Обучение чтению на иностранном языке в неязўковўм вузе М.Вўсшая школа 1989 йил.

#### **Мавзу: Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш.**

**Мақсад:** Ўқитувчиларга ўқувчилар кўникма ва малакаларини шунингдек билимларини назорат қилиш ва баҳолаш ҳақида маълумот бериш.

**Кутиладиган натижа:** Ўқитувчиларнинг ўз ўқувчилари билими, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш, малакаларининг такомиллашувига эришиш.

**Кўргазма:** Стендлар, қўлда тайёрланган кўрсатмали материаллар.

#### **РЕЖА:**

1. Назорат ва унинг моҳияти
2. Назорат функциялари.
3. Назорат обьекти
4. Назорат турлари
5. Назорат усуслари
6. Баҳолаш.

#### **МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОҲИ:**

**Назорат қилиш** – ўқувчилар фаолиятини, хулқини, ўзлаштиришини кузатиш, текшириш, ҳисобга олиш. Таълим жараёнини педагогик ва методик жиҳатдан тўғри ташкил қилишнинг муҳим шартларидан бири.

**Назорат** – ишнинг, нарсанинг ахволи, бориши кишининг юриш турини кузатиш, текшириш, тафтиш қилиши.

**Назорат функциялари** – аниқлаш, тўғрилаш, огоҳлантириш, интилтириш, умумлаштириш.

**Назорат турлари** – жорий, оралиқ, якуний, мавсумий назорат.

**Назорат шакллари** – индивидуал, фронтал, оғзаки, ёзма, бир тилли ва икки тилли назорат.

**Баҳолаш** – билим, кўникма ва малака даражасини балл билан ўлчаш.

**Билим –** шахснинг билиш фаолияти маҳсули. Тасаввур ва тушунчалардан иборат онг мазмуни. Шахснинг маълум соҳада тўплаган илмий тажрибаси.

**Кўникма –** онгли равишда бажариладиган ҳаракат. Онгли бажариладиган чет тилидаги нутқ малакасининг автоматлашган таркибий қисми.

**Малака -** қисман автоматизм даражасига кўтарилиган фаолият.

**Назорат обьекти –** чет тил нутқий кўникма ва малакалари.

**Назорат вазифалари –** таълимий, олдини олиш, тузатиш, бошқарув, баҳолаш.

**Мавзувий назорат –** мавзу якунида ўтказиладиган текширув.

**Жорий назорат –** ҳар куни ўтказиладиган текширув.

**Оралиқ назорат –** маълум мавзулардан бир нечтаси ёки ярим йиллик якунида ўтказиладиган текширув.

Якуний назорат ўқув йили якунида ўтказиладиган ва ўқувчиларни йил мобайнида олган билим, кўникма ва малакаларининг ривожлантириш даражасини белгилайдиган текширув.

Таълим жараёнини педагогика ва методика жиҳатидан тўғри ташкил қилишнинг муҳим шартларидан бири, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва бу фаолият натижаларини баҳолашдан иборат.

Назорат деганда ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туришини кузатиш, текшириш, тафтиш қилишни тушунилади. Назорат замирида камчиликларни бартараф қилиш, хатони тузатиш, ишни йўлга қўйиш сингари эзгу ниятлар ётади. Текширув, назорат, контрол атамалари синоним сифатида фойдаланилади.

Назорат муаммоларининг моҳияти, ҳал қилиниши ва амалда тадбиқ этилишини биринчи навбатда нима учун назорат қилиш – назорат мақсади, нимани назорат қилиш – назорат мазмуни, обьекти, қандай назорат қилиш – назорат усулига оид масалаларни қандай тушунишига ва ҳал қилишига боғлиқ.

Ўқувчилар фаолиятини назорат қилишдан кўзланган мақсад таълим мақсадларидан келиб чиқиши ва таълим тарбияни самарадорлигини ошириш учун хизмат қилган ҳолда билим, кўникма ва малакаларининг эгалланиш даражасини аниқлаш, ўзлаштиришдаги қийинчиликлардан огоҳ қилиш, ўқувчиларни билим олишга интилтириш ва олган билимларини умумлаштириш учун хизмат қилиши керак.

Ўқувчилар фаолиятини назорат қилишдан кўзланган мақсад таълим мақсадларидан келиб чиқиши ва улар билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Чет тили таълимидан кўзланган амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг қўлга киритилиш даражасини ўрганиш назоратдан кўзланган асосий мақсад хисобланади.

Ҳар қандай назоратнинг таълимий ҳарактерга эга бўлиши ўқиш, ўрганиш жараёнининг муваффакиятини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Шу билан бирга назорат диагностик ҳарактерга эга бўлиш керак. Бу ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини маълум маромда тутиш, айrim ўзгартиришлар киритиш, таълим шарт-шароитларини хисобга олиш, ўқитишнинг компонентларига ва усулларига тузатишлар киритиш имконини беради. Таълим натижасининг ютуқ ва камчиликларини аниқлашда асос бўлади.

Хатонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган назоратдан тузатиш мақсади кўзда тутилади. Ўқув фаолияти ўқувчи учун мураккаб, тушунарсиз, унинг кучига мос бўлмаган ҳолда хато келиб чиқади. Демак, хатони қийинчилик аломати, белигиси хисобланади. Хатоларни тузатиш таълим жараёнининг долзарб масалаларидан хисобланади.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш уларнинг шаклланганлик ва ўсиш даражасини аниқлаштириш жараёнининг содир бўлиш хусусиятларининг, ўқувчиларни билимларини ўзлаштиришларида учрайдиган қийинчиликларни аниқлаш, таълим усулларининг самарадолигини аниқлаш имконини беради.

Таълим жараёнида назорат ўтказиш таълимнинг максади бўлиб қолмасдан, восита бўлиши лозим.

Назорат таълим жараёнини ривожлантириш, кам самара берадиган усулларини самарадорлари билан алмаштириш, хатоларни тузатиш ва бартараф қилиш, тилни амалий билишни тезлаштириш, чет тили воситасида талабларни тарбиялаш имконини беради.

Назорат қўйидаги функцияларни бажаради:

- назорат – аниқлаш
- назорат - тўғрилаш
- назорат – огоҳлантириш
- назорат – интилтириш
- назорат – умумлаштириш.

Назоратнинг аниқлаш функциясига синф ўқувчиларининг янги материал, билим, кўнишка ва малакаларни ўзлаштиришга кўра кучли, ўртacha ва кучсиз ўқувчиларга ажратиш шу асосида ишлаш услубларини гурухга мослаш вазифаси киради. Бу ўринда ушбу синф ўқувчилари фаолиятини доимий, ва узоқ муддатли назорат қилиш натижаларнинг ишончи бўлишини таъминлайди.

Бундай кузатувчилар ўргатувчига аниқ материални ўзлаштириш даражасининг умумий манзарасини аниқлаш имконини беради.

Огоҳлантирувчи назорат ўқитувчига қандай материалга, уни ўзлаштиришда алоҳида эътибор бериш кераклигини, ўқувчиларни назорат учун тайёрлик даражаларини, материалларни билиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Интилтирувчи – назорат ишларини ўтказиш тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ва ўтилган аниқ материални ўзлаштириб олганликни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай назорат хусусий характерга эга.

Умумлаштирувчи назорат маълум мавзу чорак ярим йиллик материалларни қамраб олади ва комплекс ҳарактерга эга бўлади. Назорат қўйидаги умумпедагогик талабларга жавоб бериши лозим.

- ҳар бир ўқувчининг фаолиятини бутун ўқув йил давомида доимий назорат қилиб бориш;
- назоратнинг кўп қиррали бўлиши;
- назорат ўтказишга дифференциал ёндашув яъни тил материали ўқувчиларни кучи, дарс босқичи ва бошқаларни ҳисобга олиши;
- назоратни объективлиги, назорат мезонларнинг мавжудлиги ва унга ўқитувчининг амал қилиши, ўқитувчининг барча ўқувчиларга бир хилда муносабатда бўлиши, ўқитувчининг тақдирлаши, ўқувчининг ўзига ишончини кўчайтириши, қийинчиликларни олдини олишни ўргатиш.
- Назоратнинг тарбиявийлиги.
- Ҳар қандай назорат тарбиявий бўлиб, талабаларни билим олишга интилтириш, аҳлоқий-хулқ ва юриш туришига ижобий таъсир кўрсатиши лозим. Чет тили дарсда назорат обьекти бўлиб, кўнишка ва малакалар хизмат қилиши лозим. Замонавий методика талабига мувофиқ назарий билимлар текширилмайди балки гапириш, тинглаб тушунириш ва ёзув кўнишка ва малакаларини текшириб борилади. Кўникмаларни текшириш пайтида лексик, грамматик ва фонетик материални нутқ фаолияти турларида қўлланиш даражасида назорат қилинади.

Малакалар текширилганда эса нутқ фаолияти турларидан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш меъёрий ўлчанади.

Нутқий малакаларни назорат қилиш шу турдаги фаолияти билан назорат қилиш билан белгиланади. Масалан, фикрни оғзаки баён қилиш, гапириш ва гаплашиш малакаларининг ривожланиш даражаси билан, тинглаб тушуниш малакаларини назорати нутқининг мазмунини тушуниш тўлиқлиги ва аниқлилиги билан, ўқиб тушунишни назорат қилиш, матндан ахборотни ўқиб тушуниш даражаси билан белгиланади.

Фикр баёнининг микдорий кўрсаткичи айтилган фикрлар сонига боғлиқ. Тинглаб тушуниришда сифат кўрсаткичлари:

Аудиоматнини умумий, түлиқ, барча маълумотларни аниқ тушуниш билан белгиланади. Тинглаб тушуниш миқдори матн давомийлиги ва тезлиги билан ўлчанади. Ўқиша сифат кўрсаткичлар:

1.Ўқиб тушуниш кўрсаткичлари.

2. Матндағи тил материал хусусиятлари билан боғлиқ.

Ўқиша миқдор кўрсаткичлари ўқиши тезлиги ва матн ҳажми билан белгиланади. Юқоридаги талаблар таълимни турли босқичларида бир-биридан фарқ қиласди. Методикада назорат турлари масаласини ҳал қилиш ҳам муҳимдир. Қуидаги назорат турлари фарқланади.

1.Жорий назорат

2.Мавзувий назорат

3.Оралиқ назорат

4.Якуний назорат.

Жорий назоратга кўра ўқувчи ҳар дарсда сўраб борилади.

Мавзувий назорат ҳар бир мавзу якунидаги ўтказилади. Ўқувчи томонидан аниқ мавзунинг ўзлаштириб олиниш даражасини аниқлаш имконини беради.

Оралиқ назорат маълум мавзулардан бир нечтаси ёки ярим йиллик якунидаги ўтказилади. Натижада ўқувчиларнинг мавзу ёки мавзу тўпламларини ўзлаштириб олиш даражалари аниқланади.

Якуний назорат ўқувчининг йил бўйича олган билим, кўникма ва малакаларини ривожланиш даражаларини билдиради.

Якуний назорат мазмунига нутқ фаолияти турларига оид малакаларнинг шаклланганлик даражаси назорат қилинади ва баҳоланади.

Ўқувчиларнинг фаолиятини шакллантиришнинг қуидаги шакллари мавжуд:

- индивидуал, ёлғиз, якка назорат;
- фронтал, ёппасига назорат;
- оғзаки назорат;
- ёзма назорат;
- бир тилли назорат;
- икки тилли назорат.

Фикрни оғзаки баён қилишни назорат қилиш кўпинча оғзаки шаклда ўтказилади, чунки бундай назорат шакли нутқ фаолиятининг ушбу турини энг муҳим хусусиятларини яққоллаштириш имконини беради. Масалан: нутқий жавоб (Реакция), нутқий автоматизмлар тўхталиш нутқининг вазиятга мослигини ифодаловчи белгилардан ҳисобланади.

Тинглаб тушунишни назорат қилиш она тилида ёки ўрганилаётган чет тилида оғзаки ёки ёзма шаклда ўтказилиши мумкин. Бундай назорат тасдиқловчи (аниқловчи, белгиловчи), таълимий, интилтириувчи (Стемул) техника воситасида ёки техника воситасисиз ўтказилиши мумкин.

Назорат усули сифатида турли машқлардан фойдаланилади. Бундай машқларни танлаб олиш ва тавсифлаш таълимнинг мақсадига боғлиқ.

Назорат усуллари назорат обьектларига мос тушиши тил материалларини ва нутқий малакаларининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Назорат дарс жараёнида ўтказиладиган, аввал ўзлаштирганини назорат қилинади, сўнг янги дарс ўтилади. Бу назоратнинг таълимийлигини таъминлайди. Назорат дарсининг барча босқичларидан иштирок этиши лозим.

Назорат қилишнинг ўрни ва ажратиладиган вақт текшириш турига ҳам унга мос келадиган текшириш усулининг хусусиятларига боғлиқ. Дарс жараёнидаги ҳар кунги назорат энг аввало янги ўрганилаётган сўз ва сўз биримларининг, грамматик ҳодисалар ва нутқ бирликларининг дастлабки ўзлаштирилишини текшириш учун зарур. Кундалик назорат нутқ кўникмаларини текширишни ўз ичига олади. Дарсда оғзаки нутқни ўстириш ва ёзиш жараёнида кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси ҳам текширилади. Махсус уюштирилган назорат оғзаки ёки ёзма, якка ёки ёппасига бўлиши мумкин. Бундай назорат

одатда, бирор ўрганиб олинган параграфнинг, параграфлар қаторини ёки бирор мавзуни якунлаш сифатида амалага оширилади.

Мактабда оғзаки назоратга алоҳида ўрин бериш лозим, лекин ёзма назоратнинг ҳам бир мунча афзалликлари мавжуд:

1. Ёзма шаклда назорат қилинганда бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни текшириш мумкин.
2. Ёзма ишларни оғзаки жавобларга нисбатан кўриб чиқиши анча қулай.
3. Ёзма ишлардаги хатоларни тавсифлаш ва таҳлил қилиш қулайдир, чунки ёзма ишда ўқувчилар ҳаракати ўзининг аниқ ифодасини топган бўлади.

Лекин ёзма назоратдан барча кўникмаларни текшириш учун фойдаланиб бўлмайди. Ўқувчиларнинг сухбат олиб бориш ёки мавзу юзасидан фикр айтиш кўникмаларини ёзма равишда текшириш мумкин эмас. Шунинг учун ёзма текширувдан ёзув кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида, илмий – оммабоп адабиётни луғат ёрдамида таржима қилиш кўникмасини назорат қилишда фойдаланиш тавсия этилади.

Назоратнинг фронтал шакли индивидул шаклга нисбатан қулайдир. Биринчи ҳолатда кўпроқ ўқувчиларни сўрашга улгурилади. Бир ўқувчини доскага чиқариб, узоқ сўрашга ҳеч йўл кўймаслик керак.

Назорат қилишнинг энг муҳими уй вазифасини текширишдир. Одат бўйича, уй вазифасининг ёзма бажарилиши мақсадга мувофиқдир.

Назорат баҳолаш учун шарт шароит яратади, замин тайёрлайди. Назорат бирламчи, баҳолаш эса иккиласми жараён билан биргаликда амалга оширилади, уни жорий баҳолаш дейиш мумкин.

Чет тили таълимида ўқувчилар фаолиятини баҳолаш уларнинг тил материалларини ўзлаштириб олишлари ва нутқ фаолиятининг асосий турларида (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) малакаларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш билан боғлиқ.

Баҳолашнинг умумпедагогик талабларга жавоб бериши унинг самарадорлигини оширади. Ҳар бир ўқувчи фаолиятининг доимий кузатувда бўлиши баҳолашга дифференциал ёндашув, унинг объективлиги, комплекслиги, таълимийлиги ва тарбиявийлиги чет тили предмети учун ҳам долзарб мезонлар ҳисобланади.

Чет тили таълимида кенг тарқалган ва таълимнинг муваффакиятини белгиловчи энг муҳим баҳолаш тури бўлмиш жорий (кундалик) баҳолаш билан бир қаторда, мавзулар якунида ташкил қилинадиган мавзувий баҳолаш, мавзулар тўпламидан сўнг ўтказиладиган оралиқ баҳолаш ҳамда ўқувчиларнинг синф бўйича билим, кўникма ва малакаларининг ривожланиш даражасини аниқлаш учун хизмат қиладиган баҳолаш турлари амалда яхши самара бериши кузатилмоқда.

Баҳолашни самарали ташкил қилинишини таъминловчи омилларнинг энг муҳимларидан баҳолаш талаб ва мезонларнинг ўқувчиларга таниш бўлишидир. Ўқувчилар ҳар бир чорак, ўкув йили учун ўтказиладиган ўкув ишлари режасидан воқиф бўлишлари, ўтиладиган мавзулар, грамматик материаллар рўйхатини олдиндан олишлари лозим. Бундан ташқари улар нутқ фаолиятининг ҳар бир тури учун кўйиладиган талабларни ҳамда ушбу талабларни бажарилиши даражасига кўра баҳолашниш мезонларини яхши билган ҳолда мустақил ишлаш имкониятларидан самарали фойдаланадилар, муҳим ўқувчиларга тилни ўргатиб кўйиш мумкин эмаслигини, балки уни факат ўрганиш лозимлиги ҳақидаги фикрни сингдиришдир.

Баҳолаш усули биринчи навбатда назорат мақсади ва обьекти билан чамбарчас боғлиқдир. Чет тили таълимида ўқувчиларнинг тил ҳодисаларини ўзлаштириб олганлиги даражасини баҳолаш борасида бир қатор илғор усууллар амалда муваффақият билан синовдан ўтган. Бироқ нутқ фаолиятининг турларига оид малакаларининг ривожланиш даражасини аниқлаш борасидаги усуулларини назарий асослаш ва амалий ишлаб чиқиши соҳасидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Баҳолаш усули сифатида турли машқлардан фойдаланилади ва уларни дарсни барча босқичлари мақсадга мувофиқдир.

Энг асосийси ўқувчиларни мустақил фикрлашга, яъни ўз фаолиятларини ўзлари баҳолай олиш, баҳолаганда ҳам холисона баҳолай олишга ўргатишдан иборат. Чунки,

ўқувчининг мустақил фикрлаш малакаси унинг у ёки бу воқеликка тўғри баҳо беришликдан бошланади.

### **САВОЛЛАР:**

1. Назорат деганда нимани тушунасиз?
2. Назорат қандай функцияни бажаради?
3. Назорат обьекти нима?
4. Назоратнинг қандай турлари мавжуд?
5. Назорат қандай усуллар ёрдамида ўтказилади?
6. Баҳолаш деганда нимани тушунасиз?
7. Баҳолашнинг қандай турларини биласиз?

### **Тест саволлари:**

1. Назорат деганда нимани тушунасиз?
  - а) Ўқувчилар фаолиятини, ҳулқини, ўзлаштиришини кузатиш, текшириш, ҳисобга олишидир.
  - б) Ишнинг, нарсанинг ахволи бориши, кишининг юриш туришини кузатиш, тафтиш қилиш.
  - в) Ҳар куни ўтказиладиган текширув.
2. Назорат обьекти нима?
  - а) Аниқлаш, тўғрилаш, огоҳлантириш, интилтириш, умумлаштириш.
  - б) Чет тили нутқий кўникма ва малакалари
  - в) Онгли равишда бажариладиган ҳаракат
  - г) Таълимий, олдини олиш, тузатиш, бошқариш ва баҳолаш.
3. Назоратнинг қандай турлари мавжуд?
  - а) Индивидуал, фронтал, оғзаки, ёзма, бир тилли ёки икки тилли назорат
  - б) Билим, кўникма ва малака даражасини балл билан ўлчаш
  - в) Жорий, оралиқ, Якуний ва мавсумий назорат.
  - г) Қисман автоматизм даражасига кўтарилиган фаолият.
4. Назорат қандай функцияни бажаради?
  - а) Шахснинг билиш фаолияти маҳсули. Тасаввур ва тушунчалардан иборат мазмуни.
  - б) Аниқлаш, тўғрилаш, огоҳлантириш, интилтириш ва умумлаштириш.
  - в) Онгли равишда бажариладиган ҳаракат.
  - г) Ишнинг, нарсанинг ахволи, кишининг юриш туришини кузатиш.
5. Назорат қандай усуллар ёрдамида ўтказилади?
  - а) Оғзаки ва ёзма усулда ўтказилади
  - б) Уй вазифасини текшириш ва баҳолаш
  - в) Баҳолаш ва рағбатлантириш
  - г) Ҳамма жавоблар тўғри.
6. Баҳолаш деганда нимани тушунасиз?
  - а) Чет тили таълимида ўқувчилар фаолиятини баҳолаш, уларнинг тил материалини ва нутқи фаолиятининг асосий турларида малакаларининг ривожланиш даражасини аниқлаш
  - б) Турли машқлардан фойдаланиб баҳоланади
  - в) Грамматик материаллар асосида баҳоланади
  - г) Тинглаб тушунишни текшириб баҳоланади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Раҳмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида. М.Просвехение 1967йил 199-248 бетлар.
2. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов. Методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.
3. С.К.Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе. М.Вўсшая школа 1989 йил.

## **Мавзу: Чет тилида ўқиши ўргатиш.**

**Мақсад:** Ўқитувчиларга ўқувчиларни чет тилида ўқишига ўргатиш маҳоратларини такомиллаштириш.

**Кутилаётган натижа:** Чет тили фанлари ўқитувчиларининг ўқувчиларга чет тилида ўқишини ўргатиш малакаларининг такомиллашувига эришиш.

**Кўргазма:** Стендлар, расмлар жамланмаси, тарқатмали материаллар.

### **РЕЖА:**

1. Ўқиши нутқ фаолиятнинг тури
2. Ўқиши ва нутқ фаолиятининг бошқа турлари ўртасидаги муносабат
3. Ўқишининг психологик механизмлари
4. Ўқиши техникаси
5. Ўрта мактабларда ўқишига қўйилган талаблар
6. Ўқиши турлари
7. Матн ўқишини ўргатиш манбаидир.
8. Ўқишини ўргатувчи матнлар танлаш
9. Ўқиши турларига ўргатувчи машқлар
10. Ўқиб тушунишни назорат қилиш усуллари.

### **МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОХИ.**

Ўқиши - ёзма матндан ахборот олишга қаратилган нутқ фаолиятининг тури. Матнни ўзлаштириш, ахборотни тушуниб ва англаб олиш малакасига эга бўлиш.

Ўқиши техникаси – ҳарф – товуш муносабатларини рўёбга чиқариш, ўқиши жараёни ва ўқилиш қоидалари мажмуаси.

Матн – текст

Фронтал ўқиши – ёппасига ўқиши

Якка холда ўқиши иштирокчилар сонига кўра ўқиши турни.

Жуфт бўлиб ўқиши – жуфт-жуфт, диалог тарзида ўқиши ва иштирокчилар сонига кўра ўқиши турни.

Синтетик ўқиши – юонча “синтез” – интенсив, таҳлилсиз курсор ўқиши. Матнни синтетик ўқиши – ёзма матнни идрок этиб тушуниш.

Аналитик ўқиши юонча “анализ” – матнни таҳлил қилиб ўқиши.

Пассив луғат – ўқувчи аввал ўзлаштирган, ўқиши жараёнида таний оладиган сўзлар.

Кўникма онгли равишда бажариладиган иш ҳаракат мақсадга мувофиқ бажариладиган ҳаракат усулларини танлаш, уни амалга ошириш, билимларни амалда тадбиқ қилиш.

Малака - қисман автоматлашган фаолият

Машқ - чет тилида бажариладиган ўқув амали таркиби, талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлиги.

Синчиклаб ўқиши – матн мазмунини тўла ва аниқ тушуниш. Тушуниш 100% ни ташкил қиласи.

Таълимий ўқиши – таълимга оид ўқитиш.

Иzlаниб ўқиши – бошқа манбалардан маълум бўлган ахборотни, таъриф, қоидани топиш ва изланиши натижасида матннинг ўқувчи учун зарур дед ҳисобланган қисми синчиклаб ўқиласи.

Ўқиши машқлари – ўқишини ўргатувчи, ўқишига оид кўникмаларни шакллантирувчи ва малакаларни ривожлантирувчи ўқув амали.

Киши ҳаётида ўқиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқиши орқали китобхон ўз билимини оширади, дунёқарашини кенгайтиради, эстетик завқ олади. Халқлар ўртасидаги муносабатлар тобора яхшиланаётган бир пайтда чет тилига бўлган эҳтиёж янада ортиб

бормоқда. Тил мұхити бўлмаган бизнинг шароитимизда ўқиши чет тилидан амалий фойдаланишнинг энг мұхим йўлларидан биридир.

Ўқиши нутқ ғаолиятининг тури сифатида ёзма ахборотни идрок қилиш ва тушунишга қаратилган жараёндир. Шунинг учун ўқиши нутқ ғаолиятининг рецептив тури ҳисобланади.

Ёзма ахборотни қабул қилиш ўқиши механизмлари ёрдамида амалга оширилади.

Үрта мактабларда чет тилини ўрганиш жараёндидан ўқиши ҳам тил ўрганиш воситаси. Ҳам таълимнинг мақсади сифатида хизмат қилиши мүмкін. Ўқиши ўргатиш таълимнинг мақсади деб қаралганда кўйидагилар назарда тутилади. Ҳар қандай мутахассис ўз соҳаси бўйича чет тилидаги адабиётни талай оладиган, ўзи учун зарур бўлган ахборотни тушуна оладиган ва ўз соҳасидаги янгиликлардан ҳабардор бўла оладиган даражада бўла олиши керак.

Ўқиши орқали киши ўз дунёқарашини кенгайтиради. Маънавий бойликлардан ҳабардор бўлади. Матннинг тарбиявий таъсирида ўқувчиларда характер, маданият, ахлоқ тарбияланади. Кишилар билан муомала қилишга ўргатилади.

Ўқиши таълимнинг воситаси сифатида тил материалини ўзлаштириш имконини кенгайтиради. Ўқиши жараёндидан ўқувчи янги сўзларни эслаб қолади ва ўз луғат бойлигини кенгайтиради.

Методик адабиётларда ўқиши турларига алоҳида эътибор берилади ва кўйидаги ўқиши турларининг мавжуд эканлиги таъкидланади.

Ўқиши жараёндидан текстни таҳлил қилиш ва қилмасликка кўра:

а) синтетик б) аналитик ўқиши;

Тайёргарликка кўра: а) тайёрланган б) тайёрланмаган ўқиши.

Ўрнига кўра: а) синфда б) уйда ўқиши.

Тушуниш даражасига кўра: инглиз методисти М.Уэст 1882 йилда ўқишининг кўйидаги турлари мавжудлигини таъкидлаган.

1. Диққат билан ўқиши.
2. Ўртacha ўқиши.

Ўқишдан кўзланган мақсадга кўра:

1. Тез ўқиши ва жадал ўқиши.

2. Танлаб ўқиши.

С.К.Фоломкина ўқишдан кўзланган мақсадни хисобга олган ҳолда ўқишининг кўйидаги турлари мавжуд эканлигини таъкидлайди.

1. Танишиш учун ўқиши.
2. Изланиб ўқиши
3. Кўз югуртириб ўқиши
4. Синчиклаб ўқиши.

Танишиш учун ўқиши – бунда китобхон мақола ёки китобнинг умумий мавзу билант танишади. Ўқиши жараённи тез ўтади, китобхон матннинг асосий мазмунини тушунса, ғояни англаб етса кифоя. Танишиш учун ўқиши киши хаётида кўп учрайди.

Академик Л.М.Чербе ўқишининг бу турини ҳар қандай маълумотли киши эгаллаши кераклигини айниқса ким чет тилидаги адабиётларни кузатиб бориши керак бўлса, ўшалар учун зарур эканлигини таъкидлайди.

Иzlаниб ўқиши – ўқишининг бу тури матндан бошқа манбалардан маълум бўлган ахборотни – таъриф-коида, сонлар ва ракамларни топиш учун зарур.

Ўқувчи матнни кўз югуртириб ўқиши жараёндидан маълум жараёнларда тўхтайди ва шу қисмини яна бошидан кўз югуртириб ўқийди. Иккинчи маротаба кўз югуртириб ўқиши изланиб ўқишига айланади.

Кўз югуртириб ўқиши. Бу ўқиши турининг вазифаси китоб, журнал, мақола ва бошқалар ҳақида маълумот олишдан иборат. Ўқишининг бу туридан ўқувчи ўзи учун керакли маълумот бор ёки йўқлигини, бу маълумот зарур ёки зарур эмаслигини аниқлаш, аввал ўқиганини эсга олиш, керакли маълумотларни келажакдаги ишига фойдаланиш мақсадида танлаш мақсадида фойдаланилади.

Синчиклаб ўқиши – ўқишининг ушбу тури орқали матн мазмунини тўла ва аниқ тушуниш кўзда тутилади. Тушунишнинг тўлиқлиги 100% ни ташкил қиласди. Ўқувчи матннинг энг муҳим ва ўзини қизиқтирган қисмларини тўла тушуниб олишга ҳаракат қиласди. Бундан ташқари матнни танқидий нуқтаи назардан мушоҳада қиласди.

Ўқиши фаолиятининг юқорида қайд қилган турларида ўқувчининг ўқиши тезлиги ва тушунганлик даражаси бир-биридан фарқ қиласди. Қўйида ўқувчиларнинг ўқиши даражасига қўйилган талабларни кўриб чиқамиз. Танишиш учун ўқиши: матннаги асосий ахборотни аниқ тушунишнинг тўлиқлик даражаси 70 %дан кам бўлмаслиги керак.

Тезлик инглиз ва француз тили учун 180 – 190 сўзғминут

Немис тили учун 140-150 сўзғминут

Синчиклаб ўқиши: тушунишнинг тўлиқлик даражаси 100% ўқиши тизлигига иккинчи даражали қўрсаткич сифатида қаралади. Бироқ тезлик 50-60 сўзғминутдан кам бўлмаслиги керак.

Кўз югуртириб ўқиши: ўқишининг бу тури китобхондан тил материалини мукаммал билишни ва ўқиши маҳоратини талаб қиласди. Бу тур учун сарфланадиган вақт ҳар 1-1,5 сахифага 1 минутни ташкил қилиш керак.

Ўқиши жараёнида содир бўлаётган ҳолатлар икки гурухга бўлинади.

1. Ўқувчи ёзма манбадан ахборот оладиган ҳолат

2. Ахборотнинг бир вақтнинг ўзида ўзгаларга беришни талаб қиласдиган ҳолат.

Биринчи ҳолатда овоз чиқармай ўқиши, иккинчи ҳолатда эса овоз чиқариш лозим.

Ўқиши жараёнида ахборотни эслаб қолиш ихтиёрий ёки ихтиёrsиз эслаб қолиш лозим.

Ихтиёrsиз эслаб қолишда китобхоннинг эътибори асосан ахборотнинг мазмунига қаратилган танишиш учун ўқиши жараёнида содир бўлади. Ўқувчи матннинг мазмунини ва нутқ намуналарини эслаб қолади.

Ихтиёрий эслаб қолиш ўқитувчининг маҳсус топшириғи ёки ўқувчиларнинг ўз ташаббуси билан эътиборини онгли равишда матннинг ҳам мазмуни ҳам шаклига қаратганида содир бўлади.

Лингвостатистик маълумотларга кўра агар ўқитувчи 2000 лексик билик билса, матннаги сўзларнинг 70-80 % ни билса, матнни танишиш учун ўқиши мумкин.

Ўқишига ўргатиш матнлар асосида бўлганлиги учун ҳам таълимнинг муваффақияти матнларнинг характеристига боғлиқ.

Матннинг тил жиҳатидан мураккаблиги матннаги лексик ва грамматик материалларга боғлиқ. Лексик қийинчиликларни белгилашда ўқувчилар учун матнни ўқиши жараёнида нотаниш бўлган сўзларни, янги ўрганилган лексик бирликларни ҳисобга олиш зарур. Грамматикага оид қийинчиликларни белгилашда қўшма ва содда гапларни ўзаро муносабати, она тилида мавжуд бўлмаган жумлалар тузилиши, омоним ва янги ўрганилган грамматик материалларни ҳисобга олиш зарур.

Ўрта мактабда ўқувчилар ўқишининг барча турлари учун зарур бўлган асосий кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

1. Тил материалини тушунишга оид кўникма ва малакалар.

Бундай кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун тилга оид машқлар хизмат қиласди. Бундан ташқари тил материалини эсда сақлаш. Олдиндан билиб олиш, тил материалининг қандай маъно англашишини фикран тахмин қилиш қобилияtlарини ривожлантиради.

## САВОЛЛАР:

1. Ўқиши нутқ фаолиятининг тури сифатида қандай ҳусусиятга эга?
2. Ўқиши нутқ фаолиятининг бошқа турларига қай даражада боғлиқ?
3. Ўқишининг психологик механизmlари қайслар?
4. Ўқиши техникаси деганда нимани тушунасиз?
5. Ўрта мактабларда ўқишига қандай талаблар қўйилган?
6. Ўқиши турларини айтинг.
7. Матн ўқишини ўргатишда қандай ўрин тутади?

8. Матнларни танлашга қандай талаблар қўйилади?
9. Ўқиши турларига ўргатувчи машқларни тавсифланг.
10. Ўқиб тушинишнинг назорат қилиш усуслари нималардан иборат?

**Тест саволлари:**

1. Ўқиши нутқ фаолиятининг тури сифатида қандай хусусиятга эга?
  - а) Ўқиши нутқ фаолиятининг тури сифатида ёзма ахборотни идрок қилиш, тушунишга қаратилган рецептив тури ҳисобланади.
  - б) Синтетик, аналитик ўқишига айтилади.
  - в) Тайёрланган ўқиши, тайёрланмаган ўқиши синфда ва уйда ўқиши тушунилди.
  - г) Танишиш, изланиш, кўз югуртиришва синчиклаб ўқиши.
2. Ўқиши техникаси деганда нимани тушунасиз?
  - а) Ёзма матндан ахборот олиш
  - б) Ёппасига ўқиши тушунилди
  - в) Ҳарф-товуш муносабатларини рўёбга чиқариш, ўқиши жараёни ва ўқилиш қоидалари мажмуаси
  - г) Иштирокчилар сонига кўра ўқищдир.
3. Ўрта мактабларда ўқишига қандай талаблар қўйилган?
  - а) Тил материалини тушунишга оид билим ва кўнгилмалар мажмуаси
  - б) Танишиш учун ўқиши 70%, тезлик инглиз ва француз тили учун 180-190 сўз минут. Немис тили учун 140-150 сўз-минут
  - в) Матнлар орқали ўқиши, матнлар ҳарактерига боғлиқ
  - г) Ҳамма жавоблар тўғри.
4. Ўқиши турлари қайси жавобда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган.
  - а) Тез ва секин ўқиши тушунилди
  - б) Танишиш учун ўқиши, изланиб ўқиши, кўз югуртириб ўқиши ва синчиклаб ўқиши
  - в) Синтетик ва аналитик ўқишига бўлинади
  - г) Танлаб ўқиши, ўртача ўқиши тушунилди.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Рахмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида М.Просвещение 1967. 199-248 б.
2. **Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов.** методика обучения иностранному языку в средней школе.
3. **С.К.Фаломкина.** Обучение чтению на иностранном языке в не языковом вузе. М.Высшая школа 1989 йил.

**Мавзу: Ёзув ва фикрни ёзма баён қилишни ўргатиш.**

**Мақсад:** Ўқитувчиларга ўқувчиларнинг фикрларини ёзма баён қилишни ўргатиш хақида маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқувчиларнинг ёзуви, фикрларини ёзма баён қилишни ўргатиш бўйича ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратларини ривожлантириш.

**Кўргазма:** Стендлар, матнлар ёзилган тарқатмали материаллар.

**РЕЖА:**

1. Ёзув ва унинг моҳияти
2. Ёзма нутқ тушунчаси
3. Фикрни ёзма равишда баён қилиш нутқ фаолиятининг тури.
4. Ёзма нутқ техникасини ўргатиш.
5. Фикрни ёзма равишда баён қилишни ўргатиш.
6. Ёзув ва фикрни ёзма равишда баён қилишни ўргатувчи машқлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар изоҳи.

Ёзув – ёзма шаклда фикр баён этиш, нутқ фаолиятини тури

Ёзма нутқ - нутқ фаолиятининг репродуктив тури. Ёзма нутқ гапириш орқали шаклланади. Инсон аввало ақлан бирон бир фикр ўйлади сўнгра мазкур фикрни оғзаки ёки ёзма баён қиласди.

Ёзиш техникаси- товуш ва ҳарф муносабатлари, ҳарфларнинг турлича маъно билдириши, хуснихат ҳамда имло.

Графика – графемаларнинг маълум тил учун қабул қилинган қоидалар асосида қўллаш имкониятларини ўргатувчи соҳа.

Орфография - (юнонча Orthas тўғри grapho ёзаман) имло, ёзиш қоидаси. Графемаларининг ҳар биринг конкрет ҳолда қўллаш қоидаларини ўрганади.

Каллеграфия – хуснихат, чиройли ёзув.

Ҳарф - алфавитдаги белги, товушни ифодоловчи график тимсол, товушнинг ёзувдаги ифодаси.

Ёзма нутқни ўрганиш – орфографик, яъни тўғри ёзиш қоидаларига имло қоидаларига амал қилган ҳолда оғзаки нутқда ифода этилаётган фикрларни ёзма шаклда баён қилишни ўргатиш.

Графема – маълум шаклга эга ҳарф, ҳарф бирикмалари, тиниш белгилари.

Диктант – (lot dictare-ёзиш учун айтиш) – айтиб тўрганда ёзиш. Айтиб туриб ёздирадиган иш.

Диктант турлари – кўз хотираси, огоҳлантирувчи, ёддан, эркин, эшитиш ва таржима диктантлари.

Принцип - Лотинча «Principium» - асос, негиз. Ўқув жараёнини акс эттирувчи методик ҳодисани ифодалайдиган қонуният, қонун, мезон, меъёр.

Морфологик принцип – сўзнинг маъноли қисми қандай талаффуз қилинишидан қатъий назар ҳамма вақт бир хил ёзилади.

Фонетик принцип – сўзнинг ёзилиши, унинг товушлар сони ва мазкур тилнинг графика қоидаларига мос бўлади.

Ёзув - деганда конкрет тилга хос бўлган ёзма нутқ воситалари графемаларни таний олиш, уларни қоғозга тушира олиш шу тилга хос бўлган графикани, орфографияни билиш тушунилади.

Ёзма нутқ деганда асосан икки маънони англаш мумкин. Ёзма нутқ жараён сифатида фикрни ёзма равишда баён қилиш, ифодалаш ва шу жараённинг натижаси бўлган матн маъноларини ифодалайди.

Ёзма нутқ ҳар доим оғзаки нутқ шаклида шаклланади ва ёзма нутқни эгаллашда оғзаки нутқ восита, асос вазифасини бажаради.

Фикрни ёзма баён қила олиш учун алифбо ҳарфларини ёзувда тўғри ифодалаш, товуш ва товуш бирикмаларини ҳарф ва ҳарф бирикмалари орқали ифодалаш, сўз ва сўз бирикмаларининг график тимсолларини маъно билан боғлай олиш ва қоғозга тушира олиш, тиниш белгиларини қўллай олиш ва ниҳоят ўз фикрини мантиқли кетма-кет, ушбу тил қоидаларига амал қилган ҳолда қоғозга тушира олиш лозим.

Фикрни оғзаки ва ёзма баён қилиш нутқ фаолиятининг репродуктив турига киради. Фикрни ёзма равишда баён қилиш уни қоғозга тушириш жараённинг ортиқчалиги билан оғзаки нутқда фарқ қиласди. Шунга қарамасдан оғзаки нутқни ўстиришни мўлжалланган машқлар ёзма нутқни ўстириш учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Ёзма нутқ ўз навбатида оғзаки нутқ малакаларини ўстириш учун восита вазифасини бажаради.

Фикрнинг ёзма равишда баён қилишга ўргатишни ёзув техникасини ўргатишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Ёзув техникасини ўргатиш жараёни З босқичдан иборат.

1. Графика (белгиларни ёзиш ва бир-бири билан боғлаш)
2. Каллеграфия (Хуснихат)
3. Орфография

Графикани ўргатиш а)товуш–ҳарф муносабатларини, б) товушларнинг бажарадиган функцияларини ўргатиш билан узвий боғлиқ.

Немис тилидаги товуш ҳарф нисбатида қуйидаги қонунларни ўрганиш мумкин.

1. Товуш ва ҳарф ўртасидаги миқдорий мосликни йўқлиги.
- Бир товушга ҳарф бирикмаларини тўғри келиши.

2. Ҳарфларнинг турли хил ўқилиши
3. Синоним ҳарф белгиларини мавжудлиги.
4. Баъзи ҳарфларнинг ўқиласлиги.

Товуш ва ҳарф ўртасида миқдорий мосликнинг йўқлиги ёзувга ўргатишда катта қийинчилик ўргатади. Ўқувчиларнинг она тилидаги ҳарфларнинг чет тилида бутунлай бошқача ўқилиши ҳам ёзув жараёнида хатога олиб келади.

Товуш – ҳарф муносабатларида қийинчилик туғдирадиган ҳарф ўргатишда товуш ва ҳарфларни машқларини ўргатиш яхши самара беради. Масалан, ҳарфлар ва товушлар миқдорини аниқлаш ва қиёслаш.

Ёзувга ўргатишнинг иккинчи босқичи ўқувчиларни хуснихатга ўргатишдир. Чет тили хуснихатига ўргатиш бошланғич синфда она тили ёзувига ўргатиш жараёнида орттирилган тажрибага асосланади.

Фикрни ёзма баён қилишни ўргатишда ўқувчиларнинг орфографик хатолари устида ишлаш ҳам мухим аҳамиятга эга. Сўзнинг товуш саставини бузадиган нотўғри ёзувларни орфографик хато дейилади. Хатоларни олдини олиш ва бартараф қилишда қўргазмали қуроллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Фикрни қоғозга тушириш малакаларини ривожлантириш ёзув ўргатишнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бу босқичда кенг тарқалган иш-баён ёзишдир.

Баён фикрни ифодалаш усулига кўра: тасвирлаш, тушунтириш, мушоҳада қилиш; психологик таянч характерга кўра: кўриш, эшитиш; тажриба асосида фикрни баён қилиш усулига кўра: мантикий, тарихий, маконли, сабаб-оқибат, образ турларига бўлинади.

Ўқувчилар фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш билан бир қаторда матнда тиниш белгиларининг тўғри ишлатиш ҳам талаб этилади. Чунки чет тилларда ўргатиладиган тиниш белгилари она тилидаги тиниш белгиларидан фарқ қиласди. Ўқувчиларга бўғин кўчириш қоидаларини ўргатиш ва машқлар бажариш ҳам талаб этилади.

Ўқувчиларнинг тўғри ёза олишлари учун тез-тез диктантлар ўтказилиб туруш керак. 5-синфларда кўпроқ диктантлар ўтказилгани мақсадга мувофиқ. Диктантлар билан бир қаторда грамматик ва лексик материални ўзлаштиришни назорат қилишга қаратилган ёзма ишлар ўтказиб туриш лозим.

Ёзма иш материали синфда ишланган ва ўқувчилар ўзлаштириб олган бўлиши лозим. Ёзма иш учун тайёрланган топшириклар икки ёки ундан ортиқ вариантдан бўлиши талаб этилади. Бу ўқувчиларининг бир-биридан кўчиришга имкон бермайди. Ёзма иш вақтида ўқитувчи синфда ўқувчиларни назорат қилиб туриши керак, бироқ топширикларни бажарилишини айтиб бермаслиги лозим. Ёзма ишни бажариб бўлган ўқувчи дафтарни ўқитувчига топширади ва синфда ишлаш учун қўшимча топшириқ олади. Ёзма ишларни текшириш вақтида ўқитувчи хатолар остига қизил қалам билан чизади ва дафтар ҳошиясига белги кўяди ёки хато ёзилган сўзни чизиб устига тўғри шаклини ёзади. Топширикнинг бажарилиши ва матннаги хатолар сони ҳамда хуснихатни ҳисобга олган ҳолда баҳо қўйилади.

Ёзма ишнинг ҳажмига қараб навбатдаги дарсда хатолар устида ишланади. Синфдаги кўпчилик ўқувчилар йўл қўйган хатолар синфда тахлил қилинади ва қўшимча мисоллар ёрдамида қоидалар мустаҳкамланади.

Дастурдаги ёзма нутқни ривожлантиришга мўлжалланган сұхбат мавзулари бўйича олиб бориладиган ишни тахминан қўйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

1. Мазкур мавзу юзасидан ишланган моделлар бўйича синфда оғзаки иш олиб бориш
2. Шу моделларни ўзлаштириш учун уйга ёзма топшириқ бериш.
3. Берилган мавзу юзасидан синфда оғзаки нутқ машқлари ўтказиши.
4. Ёзма нутқни ривожлантириш учун уйга ёзма топшириқ бериш.

Ёзма нутққа оид уйга берилган вазифанинг хусусиятини

1. Ўқувчиларнинг тилни қай даражада билиши ва уларнинг ёшига қараб белгиланиши.

Машқлар ўқувчиларнинг билим даражасига мос бўлиши ва ўта содда ҳам мураккаб ҳам бўлмаслиги керак.

Бошланғич синф ўқувчилари ўзлари ўйлаб топишдан кўра эшигларини анча ҳавас билан такрорлайдилар. Шунинг учун бошланғич синфлари кўпроқ тақлид машқларини бажаришлари мақсадга мувофиқ.

Юқори синфларда эса ўқувчилар матннинг мазмунини ўз сўзлари билан баён қилиш малакаларини анча эгаллаган бўладилар.

Ёзув ва фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадга йўналтирилган машқларни бажаришни тақозо этади. Барча ёзма машқларни 2 гурухга ажратиш мумкин. 1. Ёзув машқлари. 2. Фикрни ёзма шаклда баён қилиш машқлари.

Фикрни ёзма шаклда баён қилишга оид машқларни 2 гурухга бўлиш мумкин.

2. Тайёрлов машқлар.
3. Нутқ машқлари

Тайёрлов машқларига матн устида ишланган танлаб олинган айрим моделларни ўзлаштириш учун қўлланилган иш турлари киради.

Жумлани қайта тузиш, матнни қисқартириш, матнга режа тузиш ва бошқалар.

Нутқ машқларига:

1. Баён ёзиш.
2. Иншо ёзиш.
3. Мактуб ёзиш
4. Анотация тузиш ва бошқалар киради.

#### САВОЛЛАР:

1. Ёзув деганда нимани тушунасиз?
2. Фикрни ёзма равишда баён қилиш жараёнида қандай ақлий фаолият бажарилади?
3. Оғзаки ва ёзма нутқ бар-биридан қандай фарқланади?
4. Фикрни ёзма баён қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Қандай машқлар ёзувни ўргатади?

#### Тест саволлари.

1. Ёзув деганда нимани тушунасиз?
  - а) Матнни кўчириб ёзиш
  - б) Ёзма шаклда фикр баён этиш, нутқ фаолияти тури
  - в) Эсда сақлаб қолиш учун ёзиш
  - г) Ахборотларни жамлаш учун ёзиш.
2. Оғзаки ва ёзма нутқ бир-биридан қандай фарқланади?
  - а) Оғзаки ва ёзма нутқ нутқ фаолиятиниг репродуктив тури
  - б) Тўғри ёзишга ўргаништир
  - в) Фикрни ёзма равишда баён қилиш уни қоғозга тушуриш жараёнининг ортиқчалиги билан оғзаки нутқдан фарқ қиласди
  - г) Ҳамма жавоблар тўғри.
3. Фикрни ёзма баён қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
  - а) Ҳусниҳат, эшишиб ёзиш, фикрлаб ёзиш
  - б) Фикрни баён қилиш мусулига кўра: мантиқий, тарихий, маконли, сабаб-оқибат, образ турларига бўлинади
  - в) Орфография, коллеграфия қоидаларига асосан ёзиш усуллари киради
  - г) Ҳамма жавоблар тўғри.
4. Қандай машқлар ёзувни ўргатади?
  - а) Ёзув машқлари, фикрни ёзма шаклда баён қилиш машқлари, баён ёзиш, иншо ёзиш, мактуб ёзиш, аннотация тузиш.
  - б) Графика, синоним ва бальзи ҳарфларнинг ўқилмаслиги машқлар.
  - в) Ўқув жараёнини акс эттирувчи ёзма машқлар.
  - г) Сўқнинг маъноли қисми қандай ўқилишидан қатъий назар ҳамма вакт бир хилда ёзилади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Раҳмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида. М.Просвехение 1967 йил.
2. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов. Методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.
3. С.К.Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе. М.Вўсшая школа 1989 йил.

### **Мавзу: Гапириш ва гаплашишни ўргатиш.**

**Мақсад:** Ўқувчиларни чет тилида гапириш ва гаплашишга ўргатиш ҳақида маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқитувчиларга ўрта мактабларда ўқувчиларни чет тилида гапириш ва гаплашишга ўргатиш малакаларини такомиллашини ривожлантириш.

**Кўргазма:** Нутқ фаолиятини ташкиллашга доир стендлар.

### **РЕЖА:**

- 1.Гапириш (сўзлаш)ва гаплашиш (сўзлашиш) тушунчалари тавсифи.
- 2.Гапириш нутқ фаолиятининг тури сифатида.
- 3.Гапиришнинг нутқ фаолияти бошқа турлари билан муносабати.
- 4.Гапиришга ўргатишнинг мақсади ва мазмуни.
- 5.Гапириш ва гаплашиш нутқининг лингвистик тавсифи.
- 6.Ўрта мактабда гапиришга ўргатиш машқлари тизими.

### **МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОҲИ**

Гапириш – сўзлаш, сўзлашиш, гаплашиш, тилдан оғзаки фойдаланиш

Фикр – нарса, ҳодиса, воқелик ҳақида тушунча, баён этиш, чет тилда фикр юритиш.

Синоним - маънодош, шакли турлича, маъноси бир хил бирликлари.

Сўзлаш – фикрни оғзаки баён этиш, гапириш.

Билим – шахснинг билиш фаолияти маҳсули, маълум соҳадаги орттирилган тажриба, билимини ўзлаштириш ва шакллантириш, баҳолаш, текшириш.

Монолог - якка нутқ, якка шахснинг гапириши; киёс, диаолог, полилог

Мотив – ундовчи, сабаб, ички ва ташқи туртки, нутқий мотив, фаолият мотиви.

Маънавий – ахлоқий, ички ҳолатга оид, маънавий жихатлар.

Малака – қисман автоматлашган фаолият.

Дастур – программа, дастур.

Нейтрал – холис, бу ҳам, у ҳам эмас.

Нутқ - фикрни шакллантириш ва ифодалаш усули, тилдан амалда фойдаланиш, тилнинг режалашуви мас. Оғзаки ва ёзма нутқ.

Оғзаки - ёзма эмас; оғзаки мулоқот, оғзаки нутқ, тинглаб тушуниш.

Муомала – сўзлашув, алоқа, мулоқот.

Одатда кишилар ўртасида оғзаки муомала гапириш ва гаплашиш орқали амалга оширилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида гапириш тушунчаси сўзлашга гаплашиш тушунчасига эса сўзлашишга синоним сифатида изоҳланган бу матнда юқоридаги сўзларни синоним атамалар сифатида қўллаш лозим топилди. Маълумки гапириш ва гаплашиш усуллари бир-биридан фарқ қиласди. Гапириш бир шахснинг иккинчи шахс ёки шахслар учун фикр мулоҳаза баён қилиши, сўзлашиб ўзга кишиларнинг билим, кўнникма ва малакаларига таъсир ўтказиши бирор далилни исботлашиши унга ишонтириши хис ҳаяжонни ифодалashi ёки маълумот олиш ниятида сўрашидир.

Гапириш мураккаб ақлий фаолият бўлиб у нутқни тинглаш қобилияти, хотира, олдиндан фараз қилиш, диққат каби психологик механизмлар фаолиятига таянади.

Гапириш мураккаблиги жиҳатидан турли даражада масалан, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўздан тортиб предметнинг номини аташ, саволга жавоб қайтариш ва маълум мавзу, режа асосида фикрни оғзаки баён қилишгача бўлиши мумкин.

Гапириш жараёнининг натижаси бўлиб нутқ хизмат қилади.

Нутқ гапириш жараёнида фикрнинг тўлалиги нутқий муомаланинг содир бўлиши хусусиятига кўра бир неча турга бўлинади. Психологик нутқнинг қуидаги турлари фарқланади.

1. Гапирувчининг тил воситаларини мазмун ва нутқ ҳолати билан онгли равища боғлай олган нутқи. Гапирувчи ўз ташаббуси билан фикрини шакллантиради. Ушбу фикрни ифодалаш учун мустақил равища тил воситаларини ва ифода усуулларини танлайди. Бундай нутқни австралийлик психолог Фридрих Кайнс, Спонтан ўз – ўзидан қуидилиб келадиган деб атайди.
2. Жавоб нутқи
3. Тақлидий нутқ аввал танланган ёки ўқилган материални эсга олиш ва такрорлаш.
4. Ёдлаб олинган парчаларни такрорлаш нутқи. Бундай нутқ ҳолат билан боғланмаганлиги билан ҳарактерланади.

Гаплашиш икки ёки ундан ортиқ кишиларни муомала қилишлари, бирор нарса масала ёки воқелик ҳақида мулоҳаза ёки мунозара олиб боришлари, келишишлари ёки келишишмасликларидир. Гапириш аввал белгиланган режа асосида фикрни баён қилишлари бирор нарса имокнини беради. Гапиришда эса фақат фикрни ифодалаш маҳорати талаб этилади. Гапириш ва гаплашиш нутқининг тузилишида ҳам муҳим фарқ бор.

Гаплашиш жараёнида кўпроқ саволлар муҳим ўрин тутади гапиришда эса камроқ саволлар учрайди.

Гапиришга нутқقا ундовчи сабаб мотив таъсир қилади. Бу гапирувчининг муомала қилишга бўлган эҳтиёжидан юзага келади. Муомала қилишга ундовчи сабаблар З гурухга бўлинади.

1. Маънавий билим олишга, дунёкарошни кенгайтиришга ундовчи мотивлар.
2. Аҳлоқий мотивлар
3. Ҳиссиётли ва гўзаллик мотивлари.

Гапиришга ўргатишнинг муваффақиятли бўлиши ана шу мотивлар кучига мунтазамлигига ва барқарорлигига боғлиқ.

Чет тилида нутқ шаклланиши она тилига нисбатан мураккаброқ шароитда ўтади. Таълимнинг бошланғич босқичида нутқ шаклланишинг биринчи ва иккинчи босқичи она тилида ўтади, яъни ўқувчи ички ҳиссиётини аввал она тилида режалаштиради уни ифодалаш учун она тилида восита ва усул танлайди сўнгра эса уларни чет тилига фикран таржима қилади. Методика фани олдида нутқ шаклланиши ва муомаланинг содир бўлиш қонуниятларини ҳисобга олиш юзасидан қуидаги муомалалар мавжуд.

1. Таълим бериш учун ўқувчиларда билим олишга бўлган ҳоҳиш эҳтиёжини пайдо қилиш.
2. Таълимни вазиятга мослаштириш.
3. Таълим кўникма ва малакаларини шакллантиришга ижобий таъсир қиладиган воситаларини топиш ва қўллаш.
4. Гапиришга оид бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш.
5. Интерференция доирасини белгилаш.

Маълумки нутқ фаолияти турлари бир-бири билан узвий боғлиқ гапириш нутқ фаолиятининг репродуктив тури сифатида тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш турлари билан яқин алоқада.

Гапириш ва тинглаб тушуниш жараёнида ички нутқ фаол иштирок этади. Агар тингловчи нутқни ичкий нутқи ёрдамида такрорламаса уни тушунмайди. Гапирувчи

талаффуз қиласынан ичкідегі нұтқида тақрорлайды худди хаёлидан ўтказади. Гапириб ва тинглаб тушуниш нутқ фаолияттегінде ўқишиң да ёзиш турлары билан узвий боғлық. Ёзув оғзаки нутқиң қоғозга тушириш имконини беради. Щеңде оғзаки нутқдан ёзувға ўтиши воситаси билан хизмат килади.

Гапириш ва гаплашишга ўргатишни ташкил қилиш таълимнинг мақсади ва мазмунидан келиб чиқади.

Дастур талабларини ўрганиш ўқувчиларнинг оғзаки нутқига кўйилган талаблар мукаммал эмас, балки бу талабларни янада конкретлаш ва такомиллаштириш лозим деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Умумий тарзда ўқув дастури ўрта мактаб ўқувчилари хорижий тилни келажакда мустақил ўргана олишлари учун пойдевор ясами лозим деб белгилайди. Ўқувчиларни хорижий тилларни бирида муомала қилишга ўргатиш ўқув дастури амалий мақсади хисобланади.

Ўқувчиларнинг гапириш ва гаплашиш малакаларининг ривожланиши жараёнида уларнинг тафаккури, фикрлаш, диққат, олдиндан фараз қилишга оид малакалари ривожлантирилади. Гапиришга ва гаплашишга ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақлиш ишлаш ижодий фаоллик, гўзалликка интилиш, дўстлик, хурмат, китобни севиш каби хислатлари ҳам ривожлантириб борилади.

Чет тилида гапира ва гаплаша оладиган бўлиш маълум тил билимини эгаллашни талаб этади. Гапириш умумий маънода ўз билим ва тажрибасини намойиш қилишда гапириш нуткини эгалаш учун тил материалини билиш. Шу материаллар асосида нутқ ҳаракатини ижро этиш мавзуни билиш лозим.

Гапириш маъруза, сухбат, сўраш, мурожаат, тушунтириш ва бошқа шаклда бўлиши мумкин. Нутқнинг қўйидаги турлари мавжуд.

1. ишонтириб гапириш
  2. лирик гапириш
  3. драмматик гапириш
  4. ахборот берувчи гапириш.

Гапиришнинг ҳар бир турида ҳам тил материали ахборот ҳажми ҳусусияти кабиларни ўзи танлайди. Гапирувчи учун энг мураккаб ҳодиса нутқ обьектини аниқлаш ва фикрнинг баёний мантиқини белгилаш ҳисобланади.

Гаплашиш нутқи сұхбатдошдан гапириш, тинглаб тушуниш малакаларини талаб қилади. Шунинг учун ҳам гаплашиш нутқига ўргатиши гапириш ва тинглаб тушуниш малакаларини ўстиришни тақозо этади. Күпгина методик адабиётларда савол-жавоб машқларини бажариш гаплашиш нутқига ўргатишининг ягона бўлмаса ҳам асосий йўли деб қарааш қузатилади. Муомала жараёнидан фикр алмашиш фақат савол жавобдангина иборат бўймай балки мураккаб ва хилма хилдир. Масалан,

1. Салом – алик: Guten tag! - Guten tag!
  2. Илтимос: Herbert, gib mir bitte dein Buch.  
Bitte.
  3. Таклиф: Bitte, nehmen Sie Platz. Danke shon.
  4. Ташаккур: Danke, ich bin sehr froh. Nicht zu danken
  5. Маълумот: Ich war gestern in der Stadt-ach, so.
  6. Кўрсатма: Das sind Bucher und Hefte-Sind sie fur uns?
  7. Савол: Ist dieses Buch intressant?-Ja, intressant.
  8. Маъкуллаш: Ist Peter der beste Schuler?- Ja Peter ist der  
beste Schuler in unserer Klasse.

Шубха: Ist das möglich?

9. Маңқуллаш: Mein Freund war gestern in der Stadt.  
хайрон қолиши: - Ist das möglich?  
10. Маңқуллаш: Das stimmt. Ich habe ihn in der Stadt gesehen  
инкор: es ist nicht möglich. Er war gestern mit mir.  
11. Илтимос Ich bitte dich, mir zu helfen.  
Розилик: Aber gern  
12. Илтимос: Komm bitte heute abend zu mir

Рад этиш:

Weiss du, ich bin heute abend sehr beschäftigt.  
Ich kann zu dir nicht kommen.

Юқоридаги мисоллар гаплашиш нутқига хос бўлган барча муомала шаклларини қамраб ололмаса ҳам муомаланинг хусусий ҳодисаси фақат савол-жавоб эмаслиги кўрсатади. Шунинг учун ҳам гаплашиш нутқига ўргатиш фақат савол жавобга ўргатишдангина иборат эмас балки фикр алмашишга ўргатишдан иборат бўлиши лозим.

Гаплашиш нутқида ҳар доим 2 хил луқма мавжуддир. Уларни шартли равища 1. Ундовчи луқма. 2. Жавоб луқма деб аташ мумкин. Ундовчи луқма турли хил ахборотни ифодалаши мумкин. Масалан, воқелик ҳақида хабар бериш. Ўзга кишининг нутқини ифодалаш, шахс, нарса, ҳодисани тасвирилаш, ҳурсандчилик, ҳайрат, ташаккур ҳамда шахсий фикр, муносабат, ишонч, умид ва бошқаларни ифодалаш.

Жавоб луқма орқали сухбатдош истаган харакатини бажаришга тайёр ёки тайёр эмаслигини рози ёки рози эмаслигини ифодалайди ҳамда сухбатдошини тўлдиради. аниқлайди, изоҳлайди, маъқуллайди, рад этади. Тили ўрганилаётган мамлакат халқларига хос бўлган қоидаларни ўрганиш ва улардан муомала сифатида фойдаланиш муомаланинг табиийлигини таъминлайди. Немис, инглиз, француз миллати вакиллари билан сухбатлашсангиз (йўқ) деган сўзни деярли ишлатмайдилар.

#### САВОЛЛАР:

1. Гапириш деганда нимани тушунасиз?
2. Гаплашиш деганда-чи?
3. Гапириш ва гаплашиш қайси жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қиласи?
4. Гапириш нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан қандай алоқада?
5. Гапиришга ўргатишдан қандай мақсад кўзланади?
6. Гапиришга ўргатишнинг мазмуни деганда нимани тушунасиз?
7. Гапириш ва гаплашишни лингвистик сифатидан қандай тавсифлаш мумкин?
8. Қадай машқалар ёрдамида гапиришга ўргатиш мумкин?
9. Қандай машқлар ёрдамида гаплашишга ўргатиш мумкин?
10. Гапириш ва гаплашиш машқларига қандай талаблар қўйилади?

#### Тест саволлари:

1. Гапириш деганда нимани тушунасиз?
  - а) Сўзлаш, сўзлашиш, тилдан оғзаки фойдаланиш. Фикрни оғзаки баён этиш.
  - б) Гапириш гаплашишдан фарқ қиласи.
  - в) Гапирувчининг тил воситаларини мазмуни ва нутқ ҳолати билан онгли равища боғлай олиши.
  - г) б,в жавоблар тўғри.
2. Гапириш ва гаплашиш қайси жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қиласи?
  - а) Гапириш бир кишининг гаплашиш эса икки ва ундан ортиқ кишиларнинг муомала қилишларидир.
  - б) Сухбат ёки мулоқот тушинилади.
  - г) Ёдлаб олинган парчаларни такрорлаш.
3. Гапириш нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан қандай алоқада?
  - а) Ишонтириб гапириш, лирик гапириш, драмматик гапириш.
  - б) Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш турлари билан яқин алоқада.
  - в) Гапиришга оид бўлган кўнникма ва малакаларни таркиб топтириш.
  - г) Гапириш жараёнининг натижаси нутқ бўлиб ҳисобланади.
4. Гапиришга ўргатишнинг мазмуни деганда нимани тушунасиз?
  - а) Маъруза, сухбат, сўраш, мурожаат, тушунтириш ва гапиришга ўргатишнинг мазмунидир.
  - б) Оғзаки нутқни ривожлантириш.

- в) Чет тилида бевосита мuloқот юритиш.  
 г) Маҳоратни ишга солиб гапиришга ўргатиш.
5. Қандай машқлар ёрдамида гапиришга ўргатиш мумкин?
- а) Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш машқлари орқали эришилади.  
 б) Грамматик ва лексик машқлар орқали гапиришга ўргатилади.  
 в) Психологик ва лингвистик машқлар орқали.  
 г) Ёзма ва оғзаки нутқ машқлари орқали.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И;В.Раҳмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида. М.Просвещение 1967 йил 199-248 бет.
2. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов. Методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.
3. С.К.Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе. М.Вўсшая школа 1989 йил.

#### **Мавзу: Чет тили таълимида ўқувчиларни фаол лугатини шакллантириш.**

**Мақсад:** Ўкувчиларнинг лексика бўйича олаётган билим ва кўникмаларини ривожлантириш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқитувчиларнинг асосий эътиборларини ўқувчиларнинг чет тилидаги сўз бойликларини фаол эгаллашларини таъминлаш.

**Кўргазма:** Стендлар, лексик минимум, "актив" минимум, "патенциал" минимум, "пассив" минимумларни ўргатишга оид дидактик материаллар.

#### **РЕЖА:**

1. Лексиканинг нутқ фаолияти турларидаги роли.
2. Ўрта мактаблар учун лексик минимум турлари.
3. Лексик минимум танлаш масаласи
4. Лексик минимум танлаш принциплари.
5. Лексик минимумнинг методик типологияси.
6. Лексиканинг тақсимоти.
7. Лексикага оид машқлар.

#### **МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОХИ**

Лексика – юононча Lexikos сўзга оид lexis – сўз, ибора, луғат бойлиги нутқ - фикрни шакллантириш ва ифодалаш усули, тилнинг реаллашуви, тилдан амалда фойдаланиш.

Нутқ фаолияти – тилдан амалда фойдаланиш жараёни тил тизимидан фойдаланган ҳолда муомала маданиятини ҳисобга олиб ахборотни қабул қилиш ва узатиш ҳамда кишиларга таъсир қилиш жараёни.

Лексик минимум – ўқувчилар биринчи навбатда ўзлаштириб олишлари зарур бўлган сўз бойлиги.

Актив минимум – ўқувчи ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда баён қилишда қўллайдиган сўз бойлиги.

Пассив минимум - оғзаки ва ёзма ахборот қабул қилиш учун хизмат қиласидиган сўз бойлиги.

Потенциал минимум – ўқувчи ҳали ўз тажрибасида учратмаган лекин тинглаш ёки ўқиш жараёнида таний оладиган сўзлар.

Изоҳлаш – чет тили сўзи ифодалаётган тушунчани чет тили ёки она тилида қисқача тушунтириш.

Таржима - маънони бошқа тил воситалари билан ифодалаш.

Луғат – сўзларни алифбо шаклида жойлаштириш.

Ўрта мактабларда чет тилини ўргатишдан кўзланган амалий мақсад ўқувчиларни шу тилда муомалага ўргатишдир. Чет тилида муомала қила олиш учун ўқувчилар сўз бойликларини эгаллашлари зарур.

Тилдаги сўз бойликларини эгалламай туриб тинглаб тушуниш ва гапириш мумкин эмас. Тилни луғат таркибини эгаллаш ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг филологияга оид билимларини оширади. Маълум тилнинг луғат таркибига киравчи сўзлар лексика дейилади. Лексика тилнинг ривожланувчи элементи ҳисобланади.

Инглиз методисти Геральд Пальмер эса қуйидаги принципларга асосланаб луғат тузди.

1. Сўзлар биринчи маъносига кўра луғатга киритилади.
2. Кўп сўз ясаш қобилиятига эга бўлган ўзак сўзлар танлаб олинади.
3. Бошқа сўзлар билан муносабатга осон киришадиган сўзлар.
4. Кўп учрайдиган сўзлар.

Кўриниб турибдики Пальмер луғатида юқоридаги методистлар асосланган принцип охирги ўриндан жой олган.

Лексик минимум танлаш масалалари билан профессор К.А.Ганшина ва И.А.Грузинскаялар шуғуландилар.

Нутқда қўлланиш принципи. Ушбу принцип сўзларнинг тексттдаги қўлланиш сонига асосланади. Шунга кўра лексик минимумга ўрта мактаблар учун мўнжалланган текстларда кўп учрайдиган сўзлар киритилади.

Ўрта мактаблар учун танланган лексик минимум З гурухга бўлинади.

- A) актив минимум  
B) пассив минимум  
B) потенциал минимум

Актив минимумга ўқувчи ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равища баён қилишда қўллайдиган сўз бойлиги киритилади. Ушбу лексик бойлигини ўқувчиалар репродуктив равища ўзлаштириб олишлари зарур.

Пассив минимум деганда оғзаки ёки ёзма ахборотни қабул қилиш учун хизмат қиласидиган сўз бойлиги тушунилади. Актив ва пассив минимум деганда ўртасидаги чегара тўрган эмас. Кишининг актив минимумига киравчи сўзлар гапириш ва ёзиш жараёнларида қўлланмаслиги пассив минимумга айланиши ёки пассив минимумдаги сўз бойлиги машқ ёрдамида актив минимум қаторига қўшилиши мумкин. Амалда биринчи ҳолат осонроқ содир бўлади. Яъни актив лексик минимум пассив минимумга тезроқ айланади.

Чет тили ўқитиши методикасида лексик минимум танлиш бирлиги масаласи ҳам муомаладир. Танлаш бирлиги ҳақида турлича фикрларнинг мавжудлиги фикримзга далил бўла олади. Умумий методика муаллифларнинг фикрига кўра танлаш бирлиги сифатида сўз маънони олиш мақсадга мувофиқдир.

Изоҳлаш деганда чет тили сўзи ифодалаётган тушунчани чет тили ёки она тилида қисқача шархлаш назарда тутилади. Бу усул одатда чет тилидаги сўз маъноси она тилидаги сўз маъносидан фарқ қилганда ёки тиллардан мавжуд бўлмаганда қўлланилади.

Таржима – бу маънони бошқа тил воситалари билан қайта ифодалашдир. Бу усул аниқ тежамкор ҳисобланади.

Ўқувчилар лексик материал билан танишганларидан сўнг улар бу материални машқлар ёрдамида мустаққамлайдилар. Ҳар бир сўз оғзаки нутқ ва ўқиши мобайнида рецептив ва репродуктив равища машқ қилиниши зарур. Машқлар қуйидаги кетма-кетликда тузилади. Сўз билан таништириш, бирламчи мустаҳкамлаш, тренеровка ва сўзнинг нутқда мустақил қўллаш. Лексик машқларни З гурухга бўлиш мумкин.

1. Рецептив машқлар
2. Репродуктив
3. Рецептив - репродуктив машқлар

## САВОЛЛАР:

1. Лексика нима учун нутқ фаолиятининг турларида қандай рол ўйнайди?
2. Лексик минимум деганда ниани тушунасиз?
3. Лексик минимум танлаш қандай тарихга эга?
4. Методистлардан кимлар лексик минимум масалалари билан шуғулланганлар?
5. Лексикани тушунтиш усуллари қандай?

### **Тест саволлари.**

1. Лексика нутқ фаолиятининг турларида қандай роль ўйнайди?
  - а) Лексика тилнинг энг асосий ривожлантирувчи элементидир.
  - б) Тилдан амалда фойдаланиш учун сўз бойлигига эга бўлиш зарур.
  - в) Пассив минимум даражасида аҳамияти бор.
  - г) б,в жавоблар тўғри.
2. Лексик минимум деганда нимани тушунасиз?
  - а) Маънони бошқа тил воситалари билан ифодалаш.
  - б) Оғзаки ва ёзма нутқ учун хизмат қиласидан сўз бойлиги.
  - в) Ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён этишида қўллайдиган сўз бойлиги.
  - г) Ўқувчилар биринчи навбатда ўзлаштириб олишлари зарур бўлган сўз бойлиги.
3. Лексикани тушунтириш усуллари қандай?
  - а) Актив, пассив ва потенциал минимумлар орқали тушунтирилади.
  - б) Рецептив, репродуктив ва рецептив-репродуктив машқлар орқали тушунтирилади.
  - в) Эркин танланади.
  - г) Луғатлар орқали тушунтирилади.
4. Методистлардан кимлар лексик минимум масалалари билан шуғулланганлар?
  - а) С.К.Фаломкина.
  - б) М.В.Ляковицкая.
  - в) Инглиз методисти Геральд Палмер шуғулланган.
  - г) А.А.Миролюбов.

### **Адабиётлар:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишнинг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Рахмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида. М.Просвехение 1967 йил.
2. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов. Методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.
3. С.К. Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе. Вўсшая школа 1989 йил.

### **Мавзу: Грамматик материаллар устида ишлаш.**

**Мақсад:** Ўқувчиларга грамматика ҳақида маълумот бериш.

Грамматик материални тушунтиришга ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқувчиларда чет тиллари грамматикасини ўрганиш бўйича малака, кўникма ва билимларини такомиллаштириш.

**Кўргазма:** Стендлар, грамматика ўргатишга мослаштирилган дидактик материаллар.

### **Режа:**

1. Грамматика ҳақида тушунча.
2. Грамматиканинг нутқ фаолиятидаги роли.
3. Грамматик материал танлаш.
4. Грамматик материални тушунтириш.
5. Грамматикага оид машқлар.

### **МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОҲИ.**

Грамматика – тилнинг грамматик кўриниши, тилнинг грамматик кўриниши ҳақидаги фан.

Грамматик шакл – грамматик ҳодисанинг ташки кўринишини ифодаловчи воситалари.

Грамматик маъно – грамматик ҳодисани мисолдан қоидага ўтиш йўли билан тушунтириш.

Лексик усул – грамматик ҳодиса таржимаси, маъноси ва қўлланилиши тақдим қилинади.

Модел – тил бирликларининг шартли ишоралар ёрдамида ифодаланиши.

Синтактик модел – маълум жумла тузилишига оид андоза.

Грамматик наъмуна – маълум синтактик ва морфологик хусусиятга эга бўлган бир турдаги жумлалар.

Маълумки, грамматик қонуниятлар асосидан сўзлардан сўз бирикмалари ва жумлалар ташкил қилинади. Бу нутқнинг тушунарли бўлишини таъминлайди. Грамматика атамаси қуйидаги маъноларни ифодалайди; 1) тилнинг грамматик курилишини; 2) тилнинг грамматик курилиши ҳақидаги фани; 3) амалий грамматикани, яъни конкрет тилга оид бўлган грамматик қоидалар, грамматик ҳодисаларнинг тавсифи, грамматик кўникма ва малакалар.

Хозирги кунда грамматикага оид билим, кўникма ва малакаларининг чет тилларни эгаллашдаги ролини ҳеч ким инкор этмайди. Грамматик шакл ва тузилмаларни таниш ва маъносини англамай туриб нутқни тинглаб ёки матнни ўқиб тушуниш мумкин эмас. Уларни қўллашни билмасдан туриб, ўз фикрини шакллантириш, оғзаки ёки ёзма баён қилишни тасаввур этиш қийин.

Грамматик ҳодисалар ҳақида гапириб академик Л.В.Шчерба ажойиб мисолни келтиради: «Глокая куздра штекс будланула бокра и нудрайчи бокренка». Ушбу жумлалардаги сўзлар ҳеч қандай маънога эга эмас, лекин жумладаги сўзлар рус тили грамматик ҳодисалардан қуйидагиларни билиб олиш мумкин.---ая ---а ---о ---ла ---а и ---и ---а. Ушбу жумланинг шаклий грамматик курсаткичлари орқали ўқувчи биринчи сўзнинг сифат эканлигини ва у сўздан кейин женский роддаги от тўрганлигини, отни аниқлаб келаётганлигини, от женский родда бўлганлиги учун - а кушимчасини олиши ва кесим феълининг утган замон шакли орқали ифодалангандигини, кесимдан кейинги сўз –а кушимчаси орқали тушум келишигидаги тўрганлигини ва мужской роддаги от эканлигини осонликча тасаввур қилиши мумкин.

Ўрганилаётган тил грамматикасини ўзлаштириш назарий, амалий ва умумтаълим аҳамиятга эга. Чет тили грамматикасини ўрганиш жараёнида ўқувчилар она тилларига хос бўлмаган лингвистик ҳодисаларга учрайдилар, янги грамматик ҳодисаларнинг ўзлаштириб оладилар, масалан; немис тилидаги артикл, предлог ўзбек тилига хос эмас. Она тилида мавжуд бўлган грамматик ҳодисаларни чет тилида ўрганиш она тили грамматикасининг чукуррок ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Чет тили грамматикасини ўзлаштириш ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиради, кузатувчанлик, таҳлил қилиш қобилиятини ўстиради ва хотира хажмини кенгайтиради. Кискаси грамматикани ўрганиш чет тилни эгаллашни енгиллаштиради ва тезлаштиради.

Шунга қарамасдан методика тарихида грамматикага турлича муносабатда бўлинган. Масалан; грамматик таржима методи тарафдорлари тил ўрганиш деганда асосан грамматикани эгаллашни тушунганлар. Грамматика маълум тизим ва қоидалар асосида ўрганилган.

Грамматик таржима методларидан кейин чет тили таълимига кириб келган тўғри метод тарафдорлари эса гшрамматик қоидаларни умумдан рад этганлар хатто В.Фиеторнинг тўғри методлар ҳақидаги китобчасидаги «йўқолсин грамматик қоидалар!». «Грамматик қоидаларга ўлим»деган шиорларни ўқиймиз.

Онгли қиёсий метод тарафдорлари грамматикани ўрганишга жиддий эътибор берганлар. Грамматика тилнинг алоҳида аспекти сифатида ўрганилган. Грамматик қоидалар системали равишда ўрганилиб, уларга оид машқлар мунтазам бажарилди.

Грамматик ҳодисаларни нутқ фаолиятининг турларида қўллай оладиган бўлиши учун ўқувчидаги грамматик кўникмаларни шакллантириш керак. Грамматик кўникма

деганда грамматик ҳодисани онгли равища нутқ қоидасини бузмай қўллай олиш тушунилади. Грамматик кўникмалар нутқ фаолияти турларининг таркибий кисмини ташкил қиласди.

Нутқ фаолиятининг рецептив ва репродуктив турларига хос бўлган грамматик кўникмалар бир-биридан фарқ қиласди. Гапиришга хос бўлган грамматик кўникмалар деганда грамматик ҳодисаларни хатосиз автоматизм даражасига кўтарилиган, муомалага йўналтирилиган ҳолда оғзаки нутқда фойдаланиш тушунилади.

Грамматик кўникмаларни морфологик ва синтактик кўникмаларга ажратилади. Морфологик кўникмаларга оғзаки нутқда артикл қўшимчаларини, сифат, феъл, олмош ва бошқа туркумларини гапларда тўғри қўллаш ва бошқалар тушунилади. Синтактик кўникмаларга эса гапда сўз тартибини тўғри белгилаш, нутқда гап турларидан тўғри фойдаланиш ва бошқалар киради.

Ёзма нутқни идрок қилиш ва шакллантиришга асос бўлган морфологик ва синтактик кўникмалар шаклланишида худда оғзаки нутқ сингари механизмлар иштирок этади, бироқ уларга график ва орфографик кўникмалар кўшилади.

Ёзма нутқка хос бўлган кўникмаларидан қуидаги жиҳатлари билан фарқ қиласди: фикрни ёзма баён қилиш жараёни нутқдан фарқли равища тўхташ, текстни қайта кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, тўғирлаш, аниқлаш, тузатиш имкониятини беради.

Нутқ фаолиятининг рецептив турларига хос бўлган кўникмалар рецептив грамматик кўникмаларни ташкил қиласди. Рецептив грамматик кўникмаларни ташкил қиласди. Рецептив грамматик кўникма деганда грамматик ҳодисаларни, оғзаки ва ёзма текстни таниб олиш ва тушуниш назарда тутилади.

Чет тили таълимида сарфланадиган нутқнинг ва талабларнинг чегараланганилигини грамматик материални танлаб олиш заруриятини калтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар биринчи навбатда ўзлаштириб олишлари зарур бўлган грамматик ҳодисалар танлаб олиниши зарур. Танлаб олинган грамматик ҳодисалар грамматик минимумни ташкил қиласди.

Методикада грамматик минимумни икки гурухга ажратиш қабул қилинган. Биринчи гурухга нутқ фаолиятини тинглаб тушуниш ва ўқиш турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради, уларни рецептив грамматик минимум дейилади. Иккинчи гурухга нутқ фаолиятининг гапириш ва ёзиш турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради, уларни репродуктив грамматик минимум дейилади.

Грамматик минимум танлаш а) танлаш обьекти, б) танлаш манбаи, в) нутқ фаолиятининг турларини ҳисобга олиш масалаларини ҳал қилиш билан узвий боғлиқ.

Грамматик шакл маъно ва тузилма (структурата танлаш обьекти ҳисобланади, масалан *Er liest (lesen)*, *Er lauft (laufen)*) мисоллари феълнинг ҳозирги замон учинчи шахс бирлик шаклини ифодалайди. Бирликда юқоридаги иккала шакл ҳам бир маънони англатади. Танлаш обьекти сифатида факат бир компонентли структура хизмат қилмай, балки кўп компонентли структуралар ҳам хизмат қиласди, масалан, *Ein neues Gedicht*, *ein neuer Text*; *Er will (darf) im Garten spielen*. Танлаш обьекти сифатида оғзаки нутқ учун тил сохибларининг оғзаки нутқи, бадиий асар қаҳрамонларининг нутқлари хизмат қиласди. Бундан ташқари оғзаки бадиий усул ҳам киради.

Ёзма нутқ учун танлаш манбаи сифатида китобий услуб, ёзма манбалар хизмат қиласди.

Шуни айтиш керакки, оғзаки ва ёзма нутқ учун танланган минимумлардаги грамматик ҳодисаларнинг кўпчилиги бир-бирига мос келади.

Грамматик минимум маълум принциплар асосида танланади. Грамматик минимумнинг структурасига мувофиқ танлаш принциплари ҳам рецептив, ҳам репродуктив минимум учун алоҳида белгиланади.

Грамматик ҳодисанинг нутқ ҳодисанинг нутқ фаолиятини мазкур турида кенг тарқалганлиги танлашнинг умумий принципи ҳисобланади. Рецептив минимум учун маҳсус принцип грамматик форманинг кўп маънолигидир. Репродуктив минимум учун эса қуидаги маҳсус принциплар тавсия этилади: а) шаклнинг намунавийлиги, б) қарши асоциациянинг йўқлиги, в) синонимларнинг бўлмаслиги.

Шаклнинг намунавийлиги деганда, унинг эталон (андаза) хизматини бажара олиши назарда тутилади. Бу луғат минимумини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Масалан, феъльнинг Presens шаклини ўргатиш учун бу замоннинг ясалиш шаклларидан қуйидагилар танлаб олинади; а) негизидаги е унлиси і га ўзгарадиган кучли феъллар; nehmen, du nummst, er nimmt, б) негизи t ёки d га тугайдиган кучсиз феъллар; arbeiten, melden, senden.

Қарши асоциациянинг йўқлиги принципини грамматик ҳодисаларнинг морфологик хилма-хиллигига нисбатан қўллаш керак. У грамматик шакл билан репродуктив грамматик минимум доирасидаги сўзларнинг конкрет гурухи ўртасида янада яқинрок алоқа ўрнатиш имконини беради. Масалан, средний роддаги отларнинг кўплиги беш усул билан ясалади. 1.-er, das Buch – die Bucher, 2. – e, das Werk – die Werke, 3. –en, das Ohr – die Ohren, 4. – das Fenster – die Fenster, 5. –s, das Kino - die Kinos.

Бу сўз гурухлари билан ишланганда ҳар бир сўз гурухига оид машқлар бажарилгандан кейин иккинчисига ўтилади. Шунинг учун репродуктив грамматик минимумга алоҳида фарқловчи белгиларга эга бўлган сўзларга таалуқли морфологик қоидаларни киритиш мумкин. Аксинча бир биридан ажратиб турувчи белгиси йўқ бўлган сўзларни ўқувчилар ёдлаб олишлари керак. Масалан, Das Heft ва Das Buch сўзларининг бир биридан ажратиб турувчи белгиси йўқ, иккала сўз ҳам бир бутунлиги, лекин уларнинг кўплик шакли турли кўшимчалар ёрдамида ясалади.

*Das Heft – die Hefte, das Buch – die Bucher.*

Средний роддаги кўп бўғинли отларнинг кўплик шакли е кўшимча билан ясалади, das Flugzeug – die Flugzeuge, Institut – Institute. Бу қоидани репродуктив минимумга киритиш тавсия этилади.

Ўзбек мактаблари учун юқоридаги далилларининг учинчисини ҳисобга олиш муҳимдир. Ўзбек тилининг турк тиллари гурухига инглиз, немис, француз тилларининг ҳинд-европа тиллари оиласига мансублиги тил ҳодисалари ўртасида фарқнинг катталигига сабаб бўлади. Бу эса тиллар ўртасидаги интерференцияни янада кучайтиради.

Чет тили ўрганишда она тилининг салбий таъсири айниқса, репродуктив кўнишка ва намуналарни шакллантириши ва ривожланиши яққол намоён бўлади.

Она тили ва чет тили грамматик ҳодисаларнинг маъносини ва қўлланилишини таққослаш асосида қуйидаги грамматик ҳодисаларни фарқлаш мумкин.

1. Маъно ва қўлланиш жиҳатидан иккила тилда ҳам мос келадиган грамматик ҳодисалар масалан, сифат даражаларида.
2. Маъно, ҳажм ва қўлланиши жиҳатдан она ва чет тилларида мос келмайдиган грамматик ҳодисалар, масалан, сўз тартиби, феъльнинг ҳозирги замонда тусланиши отларнинг турланиши ва бошқалар.
3. Факт чет тилига хос бўлган грамматик ҳодисалар, масалан, артикль, предлог, грамматика, род.
4. Она тилига хос бўлган грамматика ҳодисалар.

Чет тилига грамматик материални 4 хил усул билан тақдим этиш мумкин. Бу усуллар қуйидагилар.

1. Индуктив усул
2. Дедуктив усул
3. Лексик усул
4. Моделлар ёрдамида.

Индуктив усулини бошқача қилиб мисолдан қоидага ўтиш дейиш мумкин. Масалан, ўқитувчи дарак гапларда сўз тартибини тушунтириш учун доскага бир неча гапни ёзади. Ich wohne in Namangan. Karl liest ein interessantes Buch. Der Schuler geht in die Schule.

Дедуктив усулга мувофиқ аввал грамматик қоида баён қилинади. Ушбу қоидаларни асосида мисоллар келтирилади. Масалан, феълларнинг ҳозирги замон шакли, феъл ўзагига шахс – сон кўшимчаларининг кўшилиши билан ясалади. Ich mach-e, du mach-st? Er macht; wir mach-en, ihr mach-t, sie mach-en.

Лексик усул билан тилда кам учрайдиган грамматик ҳодисалар тушунтирилади. Бу усулга кўра ўқувчилар конкрет грамматик ҳодисалар билан таништирилади ва бу ҳодисаларни таржимаси, маъноси ва қўлланилиши кўрсатилади. Масалан, es gibt ибораси «бор» деган маънони ифодалайди. Ушбу ибора билан қўлланилган отлар аккузатив келишигига киради. In der Klasse gibt es einen Tisch, ein Tafel.

Моделлар ёрдамида грамматик ҳодисани тушунтириш методикада кенг тарқалган усулдир. Модел деганда ўрганилаётган тилнинг фонетик, лексик ва грамматик нормалар талабларига жавоб берадиган шартли ишоралар билан ифодаланган ва муомаланинг потенциал, абстракт, энг кичик берлигини назарда тутади. Шундай қилиб, модел деганда тил бирликларининг шартли ишоралари ёрдамида ифодаланишини тушуниш мумкин.

Синтактик модел асосига маълум жумла структураси андоза бўлади. Синтактик модел эга ва кесим муносабатининг шартли равишда ифодаланган ишоралари ҳисобланади. Масалан, S-Pv, S-Pn, S-Pv-O. Моделларидан S-эгани, Pv – феъл-кесимни, O – тўлдирувчини ифодалайди.

Грамматик материални тақдимоти қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) янги грамматик материалларни тушунтириш.
- б) тушунганлигини назорат қилиш.
- в) таниш ва ифодалашга оид дастлабки машқларни бажариш.

Янги грамматика материални тушунтириш жараёнида унинг қуидаги З томонига эътибор бериш лозим

- 1) Грамматик шакли (форма)
- 2) Грамматик маъно
- 3) Грамматик ҳодисани қўлланилиши.

Қуидаги грамматик шакл бир маънони – феълнинг хозирги замон учинчи шахс маъносини ифодалайди. Er sieht. Er schlaft. Er lauft, Er arbeitet. Er nimmt. Аксинча грамматик шакл 2 хил маъно ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, en қўшимча феълнинг ноаниқ шаклини - ghen, fahren, отнинг кўплик шаклида – die Karte – die Karten, die Uhr – die Uhren ифодалайди.

Чет тили грамматик ҳодисаси билан она тили грамматик ҳодисаси ўртасидаги фарқка алоҳида эътибор бериш керак. Масалан, Das ist eine Klasse, жумласи ўзбек тилига «Бу синф» деб таржима қилинади. Немис тилида гап ҳар доим кесим билан тузилади. Ушбу гапда кесим вазифасини sein ёрдамчи феъли бажаради. Немис тилидаги Ich habe einen Kugelschreiber жумласини ўзбек тилига «менинг шарикли ручкам бор», деб таржима қилинади. Бу гапда haben феъли алоҳида олинганда “эга бўлмоқ” деб таржима қилинади. Юқоридаги жумлаларни сўзма-сўз таржима қилиш англашилмовчиликка олиб келади.

Рецептив грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан кўзланган мақсад ахборотни қабул қилиш ва тушунишга хизмат қиласиган барча ишора ва кўрсаткичларни танитиш ва фарқ қилишга ўргатишдан иборатдир.

Ўқиши ўргатиша грамматик шакл асосий ролни ўйнайди. Грамматик шаклни фарқлай олмай туриб ёзма нутқни идрок қилиш ва унинг мазмунига тушуниш мумкин эмас.

Ўқиши ўргатиш жараёнида грамматик ҳодисаларга эътиборни қаратиш қуидагича амалга оширилади.

1. Грамматик ҳодисанинг белгилари ўқувчиларга тушунтирилади.
2. Тушунтирилган грамматик ҳодисани маъноси ҳакида тушунча берилади.
3. Мазкур грамматик ҳодисанинг аноним ҳодисалардан фарқи кўрсатилади.

Рецептив грамматик кўникмаларни шакллантиришда кўмакчи сўзларни бўлиши катта аҳамиятга эга.

Бундай сўзларга артикллар, предлоглар, боғловчилар, юкламалар киради рецептив грамматик материалларга оид қоидаларни изоҳлаш ҳамма вақт комплексли, қўлланиши керак бўлган лексика билан боғланган бўлиши лозим.

Грамматик билимларни кўникма ва малака даражасига етказиш ўқувчидан кўплаб машқ бажаришни тақазо этади. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришга оид машқлар икки гурухга а) тайёрлов ва б) нутқ машқларига бўлинади.

Тайёрлов машқларига асосан грамматик шакллар устида ишлаш машқлари киради. Масалан, сўз туркумларига оид машқлар.

- Феълларни тегишли замонга қўйиб гапларни кўчиринг;
- гапларни мос келган феъллар билан тўлдиринг;
- гапларни сўроқ шаклида кўчириб ёзинг;

- намунага қараб гап тузинг;
- икки содда гапдан кўшма гап тузинг;
- кўчирма гапларни ўзлаштирма гапларга айлантиринг;
- гапларни мажхул даражада ёзинг.

Нутқ машқларига нутқ фаолиятини турларида бажарилган машқлар киради. Бундай машқлар нутқ малакаларини ривожлантириш учун хизмат қиласди.

- Расмдаги ситуацияни ўтган замонда тасвиirlанг;
- Текстни тингланг ва қаҳрамонларни хулқини баҳоланг.

#### **САВОЛЛАР:**

1. Грамматика атамасини қандай маъноларини англаатади?
2. Турли хил методлар тарафдорлари грамматикага қандай муносабатда бўлганлар?
3. Грамматик минимум нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
4. Грамматик минимум қандай принциплар асосида танланади?
5. Грамматик материалларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар нималарга боғлиқ?
6. Она тили грамматик ҳодисалари билан таққослаш асосида чет тили грамматик ҳодисаларни қандай турларга бўлиш мумкин.
7. Грамматик материал тақдимотининг а) индуктив, б) дедуктив, в) лексик, г) модделларни ёрдамида тушунтириш усули нимадан иборат?
8. Ўқувчилардан янги грамматик материал билан таништиришда а) тушунтириш, б) назорат, в) дастлаб машқ босқичларни изоҳланг.

#### **Тест саволлари:**

1. Грамматика атамаси қандай маъноларни англаатади?
  - а) Тилнинг грамматик кўриниши, тилнинг грамматик кўриниши ҳақидаги фан.
  - б) Тил бирликларининг шартли ишоралар ёрдамида ифодаланиши.
  - в) Маълум синтактик ва морфологик хусусиятга эга бўлган бир турдаги жумлалар.
  - г) Маълум жумла тузилишига оид андоза.
2. Грамматик минимум нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
  - а) Нутқ фаолиятини ташкил этилишини.
  - б) Икки гурухга бўлинади; 1. Нутқ фаолиятини тинглаб тушуниш ва турлари, 2. Гапириш ва ёзиш турлари киради.
  - в) Грамматик ҳодисанинг ташки кўринишини ифодаловчи воситалари.
  - г) Грамматик ҳодисани мисолдан қойдага тушиш йўли билан тушунтириш
3. Грамматик материалларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар нималарга боғлиқ?
  - а) Ушбу йилда илк бор шуғулланаётганлиги.
  - б) Грамматик машқларнинг номукаммалиги.
  - в) Она тилининг салбий таъсири ва тиллар ўртасида интерференциларга боғлиқ.
  - г) Фақат чет тилига хос бўлган грамматик ҳодисаларга боғлиқ.
4. Она тили грамматик ҳодисалари билан таққослаш асосида чет тил грамматикасини қандай турларга бўлиш мумкин?
  - а) Артикл, предлог, грамматика, род.
  - б) Индуктив, Дедуктив, лексик ва Моделлар ёрдамида ўргатиладиган усул.
  - в) Грамматик ҳодисанинг белгилари, маъноси ҳақида тушунча берилади.
  - г) Мазкур грамматик ҳодисанинг аноним ҳодисалардан фарқи кўрсатилади.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишнинг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Рахмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида М.Просвещение 1967. 199-248 б.
2. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов. методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.
3. С.К.Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в не языковом вузе. М.Вўсшая школа 1989 йил.

## **Мавзу: Тинглаб тушунишни ўргатиш.**

**Мақсад:** Нутқ фаолиятининг тури бўлмиш тинглаб тушуниш ҳақида маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқувчиларни тинглаб тушуниш малака ва кўнималарининг такомиллашганлигини таъминлаш.

**Кўргазма:** Стендлар қўлда тайёрланган дидактик материаллар.

### **РЕЖА:**

1. Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг тури сифатида
2. Тинглаб тушунишга қўйилган дастур талаблар.
3. Тинглаб тушунишнинг психологик механизмлари.
4. Тинглаб тушуниш жараёнининг муваффақиятини белгиловчи омиллар.
5. Тинглаб тушуниш жараёнига оид қийинчиликлар.
6. Нутқни тушуниш даражаси ва тушунишни аниқлаш даражаси.
7. Тинглаб тушунишни ўргатиш машқлари.

### **МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ТУШУНЧА ВА ИБОРАЛАР ИЗОҲИ.**

Аудирование – тинглаш ва тушуниш, тинглаб тушуниш.

Рецептив – рецепцияга оид; идрок ва қабул қилишга оид ресцептив нутқ

Аудитив – тинглашга мўлжалланган; аудитив восита машқ ва программа.

Акустик – акустикага оид, акустик қийинчилик; талаффузи акустик аузицион аппозицион, артикуляцион қийинчиликлар.

Визуал – кўришга мўнжалланган восита, нарса, ҳодиса, кўргазмали восита.

Фонетик – фонетикага оид талаффузни йўлга қўйишга хизмат қиласиган машқ.

Интонация – оҳанг, баланд – паст оҳанг.

Оператив – хотира тури, қисқа муддатли хотира.

Фонема – сўз ва морфеманинг маъносини фарқлашга хизмат қиласиган нутқ товуш типи тасаввурдаги товуш типи.

Индивидул – бир шахсга оид ёндашиш принципи.

Қийинчилик – лисоний тафовут ҳосиласи ташкилий камчилик оқибати.

Аудио текст – аудио матн материали, ҳажми, мазмуни; аудио тексттни тинглаш, тайёрлаш, тушуниш, эшитириш.

Нутқни тинглаб тушуниш ҳар хил вазиятда ўтиши мумкин. Масалан, сухбатдош билан бевосита мулокотда, ўқув машғулотларида, театрда, радио эшитишда телефон орқали сухбатлашганда ва х.к

Чет тил ўқитувчилари эса ушбу талабларга ижодий ёндошишлари керак.

Тинглаб тушуниш учун қуидаги психологик механизмлар хизмат қиласиди: нутқни тинглаш қобилияти, дикқат, узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотира, олдиндан фараз қилиш ва фикрлаш.

Нутқни тинглаш қобилияти қуидаги компонентлардан иборат:

- а) фонематик тинглаш қобилияти,
- б) фонетик тинглаш қобилияти,
- в) интонацион тинглаш қобилияти.

Фонематик тинглаш қобилияти фонемаларининг фонологик (маъно ажратувчи) хусусиятларини фикрлаш учун хизмат қиласиди. Натижада тингловчи соат сўзини satt сўзидан [a] унлисининг чўзиқлик ёки қисқалик белгиси орқали фикрлайди.

Фонетик тинглаш қобилияти эса нутқ товушларининг фонетик (маъно ажрамайдиган) хусусиятларини фикрлаш учун хизмат қиласиди. Нутқ товушларининг фонетик хусусиятларини фарқлай олмаслик ва натижада ифодалай олмаслик акцентни келтириб чиқаради.

Интонацион тинглаш қобилияти жумланинг интонацион структурасини фарқлаш учун хизмат қиласиди.

Тинглаб тушиниш жараёнида дикқат муҳим ўрин тутади. Чет тилдаги нутқни тинглаб тушиниш ўқувчилардан дикқатни нутқ мазмуни ва шаклига қаратишларини

тақозо қиласы. Ўқувчиларни тинглаб тушушишга ўргатиш нутқнинг мазмун ва шаклининг баб-баробар идрок қилиш кўникма ва малакаларини шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топади. Бундай кўникма ва малакалар маҳсус машқлар ёрдамида шакллантирилади ва ривожлантирилади. Ўқувчилар аввал шаклга эътибор бериладиган тайёрлов машқларини бажарадилар.

Аста секин мазмунга эътибор орттириб борилади.

Нутқи тинглаб тушушиш чегараланган вақт шароитида содир бўлади. Тинглаб тушушиш механизмларининг энг муҳимларидан яна бири бўлган хотира икки турдан иборат: а) узоқ муддатли б) қисқа муддатли (оператив) хотира. Узоқ муддатли хотирада кишининг барча соҳага оид билимлари сақланади. Тинглаб тушушиш жараёнида фонема ва сўзларни таниб олиш, жумла тузилиши ва маъносини тушушиш узоқ муддатли хотирага боғлиқ.

Қисқа муддатли хотира бевосита муомала жараёнида идрок обьекти сифатида кетма-кет содир бўлган акустик сигналларни эсда сақлаш учун хизмат қиласи.

Сигналларнинг кетма-кетлиги анализ ва синтез жараёнини мураккаблаштиради. Сўзни танлаб олиш учун тингловчи сўздаги товушлар кетма-кетлигини эслаб қолиши керак. Бу вазифани қисқа муддатли хотира бажаради, яъни оператив хотира эндиғина қабул қилинган нутқ бирликлари, сўзлар, жумла, бир неча жумла, бир бутун хабар, ахборотни тингловчи тушуниб етгунича сақланади.

Тинглаб тушушиш жараёнининг муваффақиятли ўтиши учун тингловчи маълум қийинчиликларни бартараф қилиши лозим. Бу қийинчиликлар қўйидагилар.

1. Тингловчининг индивидуал-ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

2. Тинглаб тушушиш шароитлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

3. Лингвистик қийинчиликлар.

Маълумки кишиларнинг нутқ тезлиги бир-биридан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни фақат ўқитувчи нутқини тинглашга эмас, балки бошқа кишилар нутқини ҳам тинглашга ўргатиш зарур.

Аудиотекстнинг ҳажми биринчи навбатда таълим босқичига, материалнинг мураккаблигига, ахборот манбаларига ва машқнинг бажарилиши ўрнига боғлиқ.

Аудиотекст танлашда қўйидаги талабларга амал қилиш зарур:

1. Текстлар ғоявий тарбиявий қимматга эга бўлиши;

2. Ўқувчиларнинг ёшига, уларнинг она тили ва чет тилдаги нутқ тажрибасига мос тушиши;

3. Ўқувчида қизиқиши уйғотадиган масалани ёритиши;

4. Аниқ, содда ва мантиқан тўғри қурилиши;

5. Нутқнинг турли шаклларини қамраб олиши;

6. Биринчи шахс тилидан ёзилмаслиги

7. Кўшимча ахборот элементлари кўп бўлмаслиги

Тинглаб тушушиш жараёнидаги таянчларни шартли равишда а) аудитив ва визуал таянчларнинг қўшилиши матн мазмунини тушунишини осонлаштиради.

Тингловчи фақат психологияк қийинчиликларга дуч келмай, балки лингвистик қийинчиликларга ҳам учрайди.

Бироқ барча тилларда тушушиш учун қийинчилик туғдирадиган умумий ҳолатни ҳам кузатиш мумкин. Лингвистик қийинчиликлар фонетикага, лексикага, грамматикага ва стилистикага оид бўлиши мумкин.

Лексик қийинчиликлар сўзларнинг маъносини тушушиш билан боғлиқдир.

Грамматик қийинчиликлар морфологияга ва синтаксисга оид бўлиши мумкин. Грамматик омонимия ҳам тинглаб тушушиш жараёнида қийинчилик туғдиради.

Тинглаб тушушиш жараёнининг натижаси тингловчининг матн мазмунини тушунганлига ёки тушунмаганлиги ҳисобланади.

Жумлаларни тушушиш асосан жумланинг синтактик хусусиятига боғлиқ. Асосий қийинчиликни қўшма гапларни мантиқий-грамматик структурасини тушушиш туғдиради.

“Методика...” авторлари тушуниш жараёнининг кўйидаги босқичлари мавжуд эканлигини таъкидлайдилар:

- 1.Юзаки тушуниш;
- 2.Умумий тушуниш;
- 3.Тўлиқ тушуниш;
- 4.Танқидий тушуниш.

Тинглаб тушунишга маҳсус машқлар тизими ёрдамида ўргатилади. Бундай машқлар икки гуруҳдан иборат бўлиши мумкин: 1) тайёрлов машқлари; 2) нутқ машқлари. Лингвистик қийинчиликларни бартараф қилишга қаратилган тайёрлов машқлари тингловчидаги қатор кўникмаларни шакллантириб боради.

#### САВОЛЛАР:

1. Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида қандай хусусиятларга эга?
2. Ўрта мактабларда тинглаб тушунишга қандай талаблар қўйилган?
3. Тинглаб тушуниш учун қандай психологик механизмлар хизмат қилади?
4. Тинглаб тушуниш жараёнида қандай қийинчилик мавжуд?
5. Нутқни тушунишиш даражаси қандай фикрлар мавжуд ва тушуниш даражасини аниқлаш йўллари қандай?
6. Тайёрлов машқлари қандай хусусиятга эга?
7. Нутқ машқлари тайёрлов машқларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади.

#### Тест саволлари:

7. Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида қандай хусусиятларга эга?
  - а) Тинглаб тушуниш психологик ва лингвистик хусусиятларга эга.
  - б) Хотира тури, қисқа муддатли хотира.
  - в) Тинглаш ва тушуниш, тинглаб тушуниш.
  - г) Тинглашга мўлжалланган аудитив восита машқ ва дастур.
8. Ўрта мактабларда тинглаб тушунишга қандай талаблар қўйилган?
  - а) Суҳбатдош билан бевосита мулоқот, театр, радио, телефон орқали суҳбат ва ҳ.к.
  - б) Аудио матн материали, ҳажми, мазмуни тушуниш, эшиттириш.
  - в) Эркин тинглаб тушунишга эришиш.
  - г) Нутқни тинглаш қобилияти, диққат, узоқ ва қисқа муддатли хотира малакаларининг эгалланганлиги.
9. Тинглаб тушуниш учун қандай психологик омиллар хизмат қилади?
  - а) Сигналларнинг кетма-кетлигини таъминлаш.
  - б) Нутқни тинглаш қобилияти, диққат, узоқ ва қисқа муддатли хотира олдиндан фараз қилиш ва фикрлаш.
  - в) Интонацион тинглаш қобилияти.
  - г) Фонетикага оид талаффузни йўлга қўйишга хизмат қилади.
10. Тинглаб тушуниш жараёнида қандай қийинчиликлар мавжуд?
  - а) Тинглаб тушуниш жараёнидаги таянчлар.
  - б) Тингловчининг индивидуал ёш хусусияти, тинглаб тушуниш шароитлари билан боғлиқ бўлган ва лингвистик қийинчиликлар.
  - в) Нутқнинг турли шаклларини қамраб олиши.
  - г) Кўшимча ахборот элементлари кўп бўлмаслиги.
11. Тайёрлов машқлари қандай хусусиятга эга?
  - а) маҳсус машқлар тайёрлов машқлари деб номланади.
  - б) Тайёрлов машқлари аввал шаклга эътибор бериладиган машқлардир.
  - в) Бир шахсга ёндошиш принципи.
  - г) Кўришга мўлжалланган восита, нарса ҳодиса, кўргазмали восита.
12. Нутқ машқлари тайёрлов машқлардан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

- а) Ўқувчида қизиқиши уйғотадиган масалани ёритиш.
- б) Нутқ машқлари мазмун ва моҳиятни ифодаласа, тайёров машқлари шаклга эътибор бериладиган машқлардир.
- в) Биринчи шахс тилидван ёзилмаслиги.
- г) аниқ, содда ва мантиқан түғри қурилиши.

#### АДАБИЁТЛАР.

1. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Рахмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида М.Просвещение 1967. 199-248 б.
2. **Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов.** Методика обучения иностранным языкам в средней школе.
3. С.К.Фаломкина. Обучение чтению на иностранном языке в не языковом вузе. М.Вўсшая школа 1989 йил.

**Мавзу:** Тили ўрганилаётган мамлакатларда таълим тизими.

**Мақсад:** Тили ўрганилаётган мамлакатлардаги таълим тизими ҳақида ахборот ва маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Ўқувчиларда тили ўрганилаётган мамлакатлардаги таълим тизими ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

**Кўргазма:** Мамлакатлар фотоальбоми, хариталари.

Америка кўшма штатларидаги таълим тизими таркиби.

Мамлакат таълим тизимининг тузилиши қўйидагича:

- болалар 3 ёшдан беш ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1-8 синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда болалар 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);
- 9-12 синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактаблар 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар) у қуи ва юқори босқичдан иборат.

АҚШда навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллеж ҳамда дорилфунуларда амалага оширилади.

Сўнги босқич дорилфунулар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШ да мажбурий таълим 16 ёшгача амал қиласди. Шуниси диққатга сазоворки, АҚШ мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларидан ташқари барча ўқувчилар таътиллар пайтида асосан иш билан банд бўладилар. АҚШ мактабларида ўқув йили 180 кун. 1 соат дарс 45-50 минут.

Америка бой мамлакат лекин бу мамлакатда болалар 3 ёшга тўлгунларича оналарига турли моддий имтиёзлар бериш кўзда тутилмаган.

Фарзандларга қараб уйда ўтирадими ёки энага ёллаб ишга тушадиларми, бу оналарнинг иши.

#### БОШЛАНГИЧ МАКТАБ

Бошланғич мактабларнинг асосий вазифаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга тўла қонли билим таълим бериш умуминсоний, ахлоқий ҳислатларга эга бўлиб шаклланиши таъминлашдан иборатdir.

Бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув предметлари ва дастурилари болаларнинг ёши муҳитига мослашган бўлиб, улар ўқувчиларнинг умумсаводхонлигини таъминлаб беришдан ташқари маълум даражада касб йўналишига ҳам эга бўлади.

Синфдан – синфга кўчириш ўқувчининг ёзуви, ўқиш тезлиги, ҳуснихати, арифметика, тарих, география, мусиқа ва санъат каби предметларни бошланғич синф дастури ҳамда дарслклари доирасида қандай ўзлаштириб олганлигига қараб белгиланади.

## ҮРТА МАКТАБ

АҚШ да тұлақонлик үрта мактаб сирасига 10-11-12 синфлар киради. 7,8,9-синфларини аксарият қолда қуи үрта мактаб деб ҳам юритилади. Қуи үрта мактаб курсини муваффақиятли ўтаганлар юқори босқичга тұлақонли үрта мактабға қабул қилинадилар.

Маълум даражада 9-синфни битирған юқори үрта мактабларға танлов йўли билан қабул қилинадилар. Лекин юқори үрта мактаблар ўқувчиларнинг билимiga қараб табақалаштирилади.

Америкалик ёшларнинг ёшларнинг кўпчилиги үрта мактабларни тугатгач, тегишли диплом ва маҳсус курсларни битирғанларини исботловчи хужжатлар оладилар. Ўқувчилар одатда маълум бир синфни, курс ёки мактабни якунлашда тест синовларига жалб этиладилар.

Ўқувчилар билими қуидагича баҳоланади.

- А – 95 –100 балл;
- Б – 85 – 92 балл;
- С – 71- 80 балл;
- Д – 65 – 70 балл;
- Г – 0-64 балл (қониқарсиз).

Тест натижаларига кўра қониқарсиз баҳоланган ўқувчилар йил давомида маълум вакт ўтказиб синовдан қайта ўтказиладилар.

АҚШ үрта мактаблари ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касбкор, умумий йўналишларда билим берадилар. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда хунар, касбкор асосларини бериб борилади.

## Олий таълим

АҚШ олий таълим тўрт асосий босқичда амалга оширилади:

Кичик мутахассис, бакалавр, магистр, доктор. Олий таълимдаги босқичлар ўз олдига қўйган мақсади ва ўкув дастурлари жиҳатидан бир-биридан қатъий чегараланган. Биринчи босқич гарчи АҚШ олий таълим босқичи деб юритилсада, уларни вазифасига кўра биздаги маҳсус үрта ўкув юртларига тенглаштириш мумкин. Бу босқич 2 йиллик коллеж шаклида амалга оширилиб, битиувчиларнинг 3F2 қисми 4 йиллик колледжларнинг 3-курсига қабул қилинадилар. Қолган бир қисми эса кичик мутахассис гувоҳномасини олади. 2 йиллик колледжларнинг 87% давлат ихтиёрида, қолган 13 % эса хусусийдир.

## ФРАНЦИЯДА ТАЪЛИМНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, иш билармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касбкорга эга қилишдан иборатдир.

Мамлакатда мактаблар давлат, хусусий, оралиқ мактабларига бўлинади. Ўқитиладиган предметлар ичидаги француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзиш алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, уларга ажратилган вакт, дарс: таркибининг 30%ни ташкил этади. Умуман таркибидаги 45 % дарслар гуманитар тарзда, қолганлари табиий фанлардир. Синflарнинг ўртача ҳаftалик дарслари 26 соатдан иборат, дарсларнинг давомийлиги эса 60 минут синflардаги болаларнинг сони 35-40, ўкув йили 5 чоракка бўлинади.

Бошланғич синflардаги ўкиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математикадан ва бошқа фанлардан сабоқ оладилар. Франция мактабларида она тили ва адабиёти ва математика баъзи предметлари, тарих, география, меҳнат таълими, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

## Бошланғич таълим

Францияда бошланғич таълим мактабларда 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб этадилар. Бошланғич мактаблар фуқароларининг қандай миллатга, мамлакат фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъий назар мажбурий ва бепулдир.

Бошланғич мактаб қўйиладиган асосий талаб ўкувчиларга ифодали ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдан иборатdir.

### Ўрта таълим.

Ўкувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб, ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади.

Ўрта таълим 2 босқичда берилади.

1-босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб энг кичик синф 6-синф, 5,4 ўрта 3-синф эса катта синф деб юритилади. Демак, синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади.

Шундай қилиб 6,5-синфлар умуммий ўрта таълим беради: 4-3 синфларда ўкувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади.

Ўкувчилар умуммий таълим ва техник лицейларни тугатгандаридан сўнг бакалавр увони ва диплом учун имтиҳон топширади. Ана шундай дипломларга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш хукуқини кўлга киритадилар.

### ГЕРМАНИЯДА МАКТАБ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМИ.

Яқинда “Немис халқаро ривожланиш фонди” таклифига мувофиқ бир гурӯҳ педагог олимлар, мутахассислар таълим бошқарув ходимлари Германияда бўлдилар. Улар Ўзбекистон учун маҳсус тайёрланган “Таълим тизимида қиёсий таҳлил, бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида таълимда юз берадиган ўзгаришлар” мавзууда ўтказилган семинарда иштирок этдилар. Ҳамда шу мамлакат таълим тизимларини ўрганиб қайтдилар.

### Мактаб таълими.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли яъни бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишида ўқиёди ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўкувчиларига ўқув қўлланмаси асосан дарсликлар текин таъминланади.

Бошланғич мактаб ўқиш 6 ёшдан бошланади ва 4 йил давом этади. Шуни такидлаб ўтиш керакки дастлаб 2 йил ўқиш давомида болаларга баҳо қўйилмайди, уларга умуммий ҳарактеристика бериш билан кифояланади. Бошланғич мактабда тўла 4 йиллик ўқишидан кейин ўкувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтади. Бу ерда 5-6 синфлар босқичидаги йўналиш мактаб типига боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда маҳсус дастур асосида ўқитилади, бунда болаларнинг ота-оналари мактаб типини танлаш ёки ўзгартириш имкониятига эга бўладилар.

### Ҳунар техника таълими

Ҳунар таълими Германия таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга, бунинг сабаби, Германиядаги юқори малакали ишчиларга бўлган талабнинг кучлилигидир. Юқори малака – инсонинг жамиятда мустаҳкам ва ишончли ўрин эгаллашни таъминлайди, унга меҳнат бозори талаблари ўзгарган тақдирда ҳам ишга жойлашиш имкониятларини яратади.

“Дуаль” тизимидағи ҳунар таълимнинг мазмуни умумлашган ҳолда фидирал тавсияномаларда кўрсатиб ўтилади. Биринчи йил давомида асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааълуқли маҳсус фанлардан назарий асослар берилиб йирик корхоналарда амалий машгулотлар ўтказилади.

Иккинчи йил давомида маҳсус ҳунар таълими берилади. Ўқиш ҳунар мактаб ва ишлаб чиқариш таълими режасига биноан босқичма-босқич олиб борилади.

Учинчи йилдан сўнг битирув имтиҳонлари қабул қилинади. Имтиҳонлар асосан маҳсус комиссия томонидан қабул қилинади.

Имтиҳондан ўтган маҳсус касб-ҳунар эгаллаганлигини тасдиқловчи диплом берилади.

Олий таълим тизимида университетлар ва уларга тенглаштирилган олий ўқув юртлари энг ишончли таянч ролини ўйнайди. Бу олий ўқув юртларида ўқиш диплом олиш, магистр

увонини олиш ёки давлат имтиҳонларини топшириш билан тугалланади. Шундан кейин ўқиши давом эттириб, докторлик даражасини олиш учун имтиҳон топширилади.

**Тест саволлари:**

1. Америкадаги таълим тизими қандай тузилган?
  - а) 3 синфгача мажбурий таълим сўнгра ихтиёрий таълим амалга оширилади.
  - б) 5 ёшгача боғчада, 6 ёшдан 13 ёшгача бошланғич мактаб, 14-16 ёшгача колледж, дорилфунун, 10-11-12-синф ўрта мактаб.
  - в) Олий таълим ва маҳсус ўрта таълимдан иборат.
  - г) Бошланғич, мактабгача тарбия, ўрта ва олий мактаб.
2. Францияда бошланғич таълимга қайси ёшдан болалар жалб этилади?
  - а) 7-12 ёшдан.
  - б) Асосан 7-13 ёшдан.
  - в) Францияда бошланғич таълим мактабларида 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб этилади.
  - г) 5-10 ёшдан.
3. Германияда мажбурий таълим болаларнинг неча ёшгача давом этади.
  - а) Мажбурий таълим 11 йил давом этади.
  - б) Германияда мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишлидир.
  - в) Мажбурий таълим 11 йил давом этади.
  - г) Бошланғич таълим 4 йиллик таълим мажбурийдир.
4. АҚШ да олий таълим нечта босқичда амалага оширилади?
  - а) АҚШда олий таълим тўрт асосий босқичда амалга оширилади.
  - б) Олий таълим АҚШда икки босқичда амалга оширилади.
  - в) АҚШда олий таълим ягона босқичдан иборат.
  - г) Олий таълим АҚШда уч босқичда якунланади.

**Адабиётлар:**

1. Тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақидаги географик, сиёсий-маданий расмлар ва плакатлар.
2. Ўрта мактабда чет тили ўқитишининг умумий методикаси А.А.Миролюбов, И.В.Рахмонов, В.С.Цутлин таҳрири остида М.Просвещение 1967. 199-248 б.
3. Н.И.Гез, М.В.Ляковицкая, А.А.Миролюбов. Методика обучения иностраннўм язўкам в средней школе.

**МУНДАРИЖА**

1. Чет тили таълимида ДТС
2. Янги педагогик технология ва унинг аҳамияти
3. Тест шакллари ва улардан фойдаланиш
4. Ноанъанавий дарс ва унинг турлари
5. Чет тили дарси ва уни режалаштириш
6. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш
7. Чет тилида ўқиши ўргатиш
8. Ёзув ва фикрни ёзма баён қилишни ўргатиш
9. Гапириш ва гаплашишни ўргатиш
- 10.Чет тили таълимида ўқувчиларни фаол луғатини шакллантириш
11. Грамматик материаллар устида ишлаш
12. Тинглаб тушунишни ўргатиш
13. Тили ўрганилаётган мамлакатларда таълим тизими